ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 87 (7227). ● 6 май, 1980 йил ◆ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! ҲАММА ЕРДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК. ҲАР ГЕКТАР ЕРДА ЎРТАЧА 130 МИНГ ТУПДАН КУЧАТ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН ЗАРУР ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИНГ. КУЛЬТИВАЦИЯ ПАЙТИДА ЕШ НИҲОЛЛАРНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА АСЛО ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ. ЯГАНАЛАШНИ ТЕЗ ВА СОЗ ЎТКАЗИШ — МУЛ ҲОСИЛ ГАРОВИДИР. ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАРНИНГ КУПАЙИШИ ВА ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ.

ДАЛАЛАРГА «СИФАТ БЕЛГИСИ» БЕРИЛИШИ УЧУН ЎЗАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИНГИЗ.

ТЕПЛИЦАДА ИПАК ҚУРТИ

ПОЙТАХТ областининг бир группа илғор пиллакорлари бошлаб берган ватанпарварлик ташаббуси бугунги кунда барча район ва хўжаликларга кенг ёйилган. Жумладан, Калинин районидаги «Москва» совхозининг Шоаҳмад Эгамбердиев бошлиқ теплица бригадаси аъзолари ҳам бу йил биринчи марта янги ҳаракат бошлаб бердилар. Улар барча далачилик бригадаларини сифатли сабзавот кўчатлари билан таъминлаб бўлганларидан сўнг теплицада, ипак қурти боқишга қарор қилдилар.

Бу янги ташаббус совхоз партия ташкилоти томонидан маъқулланди. Шундан сўнг теплица хўжалигида тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Дастлаб полиэтилен плёнкаси билан ёпилган секциялардан бири ипак қурти боқиш учун мослаштирилди. Ҳаво очиқ кунлари секциядаги ҳарорат ҳаддан ташқари кўтарилиб кетмаслиги учун плёнка остидан ортиқча иссиқни тўсадиган материаллар билан ўралди.

Махсус ажратилган 6 кишилик бригада мавжуд имкониятларни ва бу ердаги шароитни ҳисобга олиб, жами 10 қути қурт уруғи парвариш қилишга киришдилар. Улар икки группага бўлиниб, ўзаро мусобақалашиб ишлашмоқдалар. Ҳар қайси звенога раҳбарлик қилаётган Шукурулло Қодиров билан Миродил Юнусовлар секция ичидаги ҳароратнинг нормал бўлиши, қуртларнинг соғлом ва жадал ривожланиши, бунинг учун эса тут барглари нинг ўз вақтида, етарли миқдорда келтириб турилишини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Пиллачилардан Ливиза Билолова, Диловар Билолов, Мустафо Тухлиев, Ножия Қутлаевалар асосий вақтларини ипак қурти парваришига сафарбар этаётирлар. Меҳр билан парвариш қилинаётган ипак қурти тез ривожланмоқда.

Ташаббускор пиллачилар ҳар қути қурт уруғи ҳисобидан камида 85 килограммдан «кумуш тола» топшириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишган. Ҳозир барча куч ва имкониятлар шу юксак мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишига қаратилмоқда.

А. ҲУСАНОВ.

РЕЗЕРВЛАРИШГА СОЛИНМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) ва ноябрь (1979 йил) Пленумлари қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган колхозимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Жумладан, сабзавот ҳосилдорлигини гектар бошига ўртача 400 центнерга, картошкани 150 центнерга етказишга аҳд қилганмиз.

Ҳосилдорликни кескин кўпайтириш ердан, техника воситаларидан, маҳаллий ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланишга, агротехника тадбирларини қулай муддатларда ва сифатли ўтказилишига боғлиқдир. Биз йил бошиданоқ тўла гектарлар ҳосил қилиш учун курашни бошлаб юбордик. Уватлар, ортиқча ўқ ариқлар ва карталар ўртасидаги мевасиз дарахтлар эгаллаб ётган 4 гектар ер ўзлаштирилиб, тўла гектарлар ҳосил қилинди.

Илгаримиз бир бригадада 7—8 хил сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Бу ҳосилдорликка, техникадан, сувдан фойдаланишга салбий таъсир қиларди. Шунинг учун хўжалигимизда бригадаларни ихтисослаштиришга ўтила бошланди. Бунинг афзаллигини амалда кўрдик. Масалан, ўтган йили Раззоқ Қаюмов бошлиқ ихтисослашган бригада аъзолари картошканинг ҳар гектаридан 150 центнердан, сабзидан 250 ва помидордан 350 центнердан ҳосил олдилар. Шунингдек, Асад Зуфаров бошлиқ ихтисослашган бригада коллективи ҳам мўл ҳосил етиштиришди.

Хўжалигимизда 50 гектар мевазор боғ, 70 гектар токзор бор. Лекин уларнинг айрим ерларида кўчат сийраклашиб қолган. Бу ерларга 200 тўп олма, 3000 тўп узум кўчати экилди.

Чорвадорларимиз моллар туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш учун зўр ҳиммат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил қорамолларни 700, шу жумладан сигирларни 400 бошга етказиш, ҳар сигирдан соғиб олинадиган сутни ўтган йилга нисбатан 190 килограммга кўрсатгичлар ажратилди. Шу туфайли далага солиш учун 8 минг тонна маҳаллий ўғит жамгарилди. Уни ўғит оборотига амал қилган ҳолда гектарига 30—40 тоннадан солдик.

Ҳўжалигимизда 125 гектар эски бедазор бор. 25 гектарга янги беда, 40 гектар ерга маккажўхори билан хашаки лавлагини аралаштириб, 24 гектар ерга силос учун маккажўхори экилди. Ҳар гектар майдондан 220 центнердан беда пичани олишни режалаганмиз. Бунинг учун баҳорда бедазорлар ўз вақтида бороналаниб, ўғитланди. Беда сийрак ерларга уруғ сепилди. Маккажўхори донининг ҳосилдорлигини 100 центнерга, хашаки лавлагини 700 центнерга етказиш учун курашяпмиз. Умуман бултур хўжалигимизда 6000 тонна ем-хашак жамгарилган бўлса, бу йил 8000 тонна тайёрланади.

Бедани бу йил олти марта ўриб оламиз. Лекин бунинг учун техника воситалари етарли эмас. Бедани ўриб майдалаб берадиган 3 та «Кир-1,5» машинамиз бор. Ўримни қисқа муддатда тугаллаш учун уларнинг сони камида олтитага етказилиши керак.

Хўжалигимиз аъзолари мавжуд резервларни тўла ишга солиб, ўнинчи беш йиллик якунловчи йилида олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Г. УМАРОВ,
Тошкент районидаги Ленин номли колхоз раиси.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

Биз эртаки сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Ўтган йили кузда 20 гектар ерга пиёз, 10 гектар ерга сабзи ва саримсоқ пиёз экиб қўйилган эди. Эрта баҳорда эса 50 гектар ерга карам, 60 гектар ерга картошка, 17 гектар ерга бодринг экилди.

«Ер тўйса, эл тўяди», деб бекорга айтилмаган. Шунинг учун колхозимизда маҳаллий ўғит жамгариш бўйича махсус бригада ташкил этилди. Бригада ихтиёрига 15 та транспорт трактори ва погрузчик ажратилди. Шу туфайли далага солиш учун 8 минг тонна маҳаллий ўғит жамгарилди. Уни ўғит оборотига амал қилган ҳолда гектарига 30—40 тоннадан солдик.

Чорвадорларимиз моллар туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш учун зўр ҳиммат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил қорамолларни 700, шу жумладан сигирларни 400 бошга етказиш, ҳар сигирдан соғиб олинадиган сутни ўтган йилга нисбатан 190 килограммга кўпайтириш мажбуриятини олганлар. Нури Мамадалиева, Рихси Худойназарова сингари илғор соғувчиларимиз эса сигирлари маҳсулдорлигини 4500 килограммга етказиш учун курашмоқдалар.

Чорвачиликни ривожлантириш мустаҳкам ем-хашак базасига боғлиқ. Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз 1980 йилда дала ва ширадор ем-хашакни кўпайтириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Биз шу қарорга амал қилиб, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш чораларини кўряпмиз.

Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари бу йил 300 бош сигирнинг ҳар биридан 4900 килограммдан сут соғиб олиб, 1300 тонна сут етиштириш мажбуриятини олишган. Айни кунларда юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун хўжалик фермасида ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Илғор соғувчилардан А. Йўлдошева (суратда чапдан) Ф. Аъзамова, М. Шоисаевалар бу меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқдалар.

А. Мальцев фотоси.

СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ ШАРАФИГА

5 май куни Тошкентда Совет матбуоти кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Ўзбекистон пойтахти матбуотининг ходимлари, шаҳар жамоатчилигининг намояндалари А. Навоий номли давлат Академик театрига келишди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди. «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қорнев матбуот куни тўғрисида доклад қилди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида, партия XXV съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида журналистлар олдига, совет матбуотининг барча ходимлари олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга республика матбуоти ходимлари қўшаётган ҳисса йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди.

(ЎзТАГ).

НИШОНДОРЛАР

Коммунистлар... Улар меҳнатсевар ва заҳматкаш кишилар. Фақат ўзларигина яхши ишлаб қолмай, бошқаларни ҳам унумли меҳнат қилишга ундайдилар. Ленинчасига яшаш, ишлаш ва курашиш барча коммунистларнинг шон-шараф ишидир.

Республикамизнинг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланган Оҳангарон цемент комбинатида ҳам коммунист деган шарафли номни оқлаётган кишилар талайгина. Қуйдириш цехи айланма печининг машинисти Александр Коробов ана шундай фидокорларнинг бири. Ўз ишлик кезлариданоқ меҳнатга муҳаббат қўйиб ўсди. Бу меҳр уни цемент комбинатига етаклади. Тўғри, комбинатга келиб иш бошлаган дастлабки кунлари бироз қийналди. Аммо тиришқоқлиги, танлаган касбига ихлос, устозлар ўгити туфайли кўп ўтмай коллектив орасида танила бошлади.

1966 йил унинг хотирасидан сира кўтарилмайди. Меҳнатда эришган муваффақиятлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Юксак мукофот уни янги зафарларга руҳлантириб юборди. 1970 йилда «Шавкатли меҳнати учун» медали, кўп ўтмай Ленин ордени кўксини безади.

Бир неча марта социалистик мусобақа голиби А. Коробов шу кунларда зўр ғайрат билан меҳнат қиляпти. Ойлик планларини 110 процентдан оширяпти. Бу — ҳар ойда пландаги 400 ўрнига 415 тонна клинкер, дегани сўздир.

А. Коробов ўз касбининг устасигина эмас, балки қўлбола ишчиларнинг устози ҳамдир. А. Лифанов, А. Липанин, А. Кочетковлар уни меҳрибон мураббий сифатида ҳурмат қилишади, ўз устозлари билан фахрланишади.

— Унинг меҳнат тажрибаси биз учун катта мактаб, — дейди машинист Вячеслав Кочетков. — Доим изланади, бошқаларнинг ишига ҳам қизиқиб қарайди. Қайси участкада иш суръати ёки сифати пасайиб кетса, хотиржам туролмайди, дарҳол ёрдамга қўл чўзади. Йўл-йўриқлар кўрсатади. Баъзан лозим бўлиб қолганда иккита печь ишини ҳам ёлғиз ўзи бошқараверади.

Цехдаги яна бир баобрў коммунист Бахтиёр Ботирбековдир. У шарафли меҳнати эвазига Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Ўн тўққиз йилдан бери қуйдириш цехида ишлаётган Б. Ботирбеков ҳамкасби А. Коробов сингари кўплаб ишчиларнинг мураббийси.

— Бир пайтлар Ботирбековнинг шогирди эдим, — дейди цех машинисти С. Роговой. — Энди эса ўзим комбинатимизга янги келган кўпгина ёшларга устозман.

Ҳақиқатан ҳам бир цехда ёнма-ён тер тўкаётган бу икки ташаббускор коммунист меҳнатда ҳам, жамоат ишларида ҳам кўпчиликка намуна. Апрель ойида цех бўйича 130 ўрнига 132 тонна клинкер тайёрланган бўлса, бу ютуқда икки коммунистнинг муносиб ҳиссаси бор. Дониймиз В. И. Ленининг 110 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олган комбинатнинг бу икки зарблари ҳозир ҳам пешқадамдир.

Қ. ОДИНАЕВ.

Тошкент агрегат заводи коллективи ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Зиммасига шахсий мажбуриятлар олиб ишлаётган ишчилар коллектив ютуқларига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ушбу суратда шундай пешқадам ишчилардан бир группасини кўриб турибсиз. Улар шу кунларда 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

МУСОБАҚА, ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ, САМАРА

СОЦИАЛИСТИК мусобақа ва техника тараққиёти ютуқлар омилларидеб бежиз айтишмайди. Қаерда мусобақани пухта ташкил этиш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини оширишга катта эътибор берилса, ўша ерда зафар кетидан зафарга эришилаверади. Буни корхонамиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Комбинатимиз республика пойтахтининг нисбатан кенжа корхоналаридан ҳисобланади. Унинг ишга тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Корхона фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари билан ускуналанган. Ишлаб чиқаришнинг механизация даражаси анча юксак. Жуда кўп жараёнлар тўла ёки қисман автоматлаштирилган. Қўл кучи кам сарфланади.

Корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масалалари билан муттасил шуғулланмоқдалар. Ҳар йили техникани тараққий эттириш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. Барча цехларда прогрессив технологияни, илғор тажрибани, замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш, мавжуд агрегатлар, поток линияларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Корхонамизнинг қатор цехлари реконструкция қилинди.

Натижада уларнинг қувватлари янада ошди. Ишлаб чиқариш майдонининг ҳар бир квадрат метри ҳисобига тайёрланаётган маҳсулот миқдори кўпайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ортишининг деярлик ҳаммасига ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам техникани тараққий эттириш бўйича бир қанча ташкилий-техникавий тадбирлар кўрилади. Бу ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини сезиларли даражада оширишга ёрдам бермоқда. Автоклав цехида узлуксиз технология жорий қилинди. Бу ишчи кучини тежашга, маҳсулот таннархини қамайтиришга олиб келди. Маргарин заводи ва майонез цехида қўшимча янги автоматик ускуналар ўрнатилди. Натижада бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча кўпайди. Ёғ-экстракция заводида ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, иш шароитини енгиллаштиришга қаратилган қатор ишлар қилинди.

Йил давомида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган бундай тадбирлар узлуксиз амалга оширилаверади. Маргаринни қадоқловчи автомат агрегатлар фойдаланишга топширилади. Ёғни узлуксиз рафинация қилувчи иккита линия қурилади. Бундан ташқари ёғни узлуксиз тозалаш линияси, ширинликлар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган кондитер ёғини тарасиз ташиш усули жорий қилинади.

Ҳозирги вақтда эса электролиз цехини қуриш ва қўшимча асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Гидрозаводда ҳам узлуксиз ишлаб чиқариш усули жорий қилинади. Техника тараққиёти бўйича кўриладиган бундай тадбирлар комбинатнинг ўн биринчи беш йилликда ҳам самарали ишлаши учун мустаҳкам замин яратади.

Социалистик мусобақани ташкил этиш, уни такомиллаштириш ва янги-янги формаларини ёйиш доим коллективимиз эътибор марказида бўлмоқда.

ЛЕНИН ФАХРИЙ ЁРЛИГИ ОЛГАН КОРХОНАЛАР

Цехлар, участкалар, бригадалар ва айрим ишчилар ўртасида ўзаро меҳнат беллашуви йўлга қўйилган. Юзлаб ишчиларимиз беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш, бир беш йилликда ўн йиллик шахсий планини адо этиш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашмоқдалар. Қисқаси барча ишчи-хизматчилар социалистик мусобақанинг турли формалари билан қамраб олинган.

Оммавийлик қатори мусобақанинг ошкоралиги ҳам таъминланган. Илғорлар ҳар томонлама моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Уларга бериш учун кўчма Қизил байроқлар ва вимпеллар, пул мукофотлари таъсис этилган. Ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги доим ошириб борилмоқда. Шу туфайли ҳам коллективимизнинг меҳнат ютуқлари самарали бўлмоқда. Маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича 4,5 йиллик планни Ленин юбилейигача бажардик. Ҳозирги вақтда бу муваффақиятни янада мустаҳкамлаш ва ўнинчи беш йиллик топшириғини узоғи билан шу йилнинг 10 сентябригача бажаришга эришиш учун қизғин кураш олиб бораяпмиз. Йил охиригача эса қўшимча 16,3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши 1975 йилдагига нисбатан 47 процентни ташкил этади. Бу назарда тутилганидан 5 процент кўпдир.

Комбинатимиз коллективи ютуқларига социалистик мусобақа илғорлари бўлган цехлар, бригадалар, ишлаб чиқариш новаторлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, гидрозавод коллективи барака ли меҳнат қиляпти. Коллектив ўзидаёқ ўнинчи беш йилликнинг сўнгги ойлари ҳисобидан маҳсулот бермоқда. Маргарин заводи ишчи-хизматчилари ҳам доим пешқадамлар сафида. Улар тўрт йилу етти ойлик ишлаб чиқариш планини адо этишди. Пландагидан ташқари 9 минг тоннага яқин маргарин ва ёғ ишлаб чиқардилар. Майонез цехи коллективи меҳнати ҳақида ҳам фақат мақтов сўзларни айтиш мумкин. Цех ишчилари беш йиллик планни СССР Конституцияси кунигача бажариш ва қўшимча 190 тонна майонез ишлаб чиқариш ҳақидаги мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар.

Комбинатимизнинг Ф. Эрматов, А. Ортиқовлар бошчилигидаги бригадалар, М. Еқубов, В. Осипов, Ф. Собиров, Ҳ. Комилова, М. Белова, Н. Фатхуллина сингари ишчилари ва юзлаб меҳнаткашлари зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажармоқдалар. Улар меҳнатда касбдошларига намуна бўлишяпти, ишлаб чиқариш нормаларини доим ортиги билан адо этмоқдалар.

Коллективимизнинг улуғ доҳий В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада эришган ютуқлари муносиб тақдирланди. Комбинатимизга Ленин фахрий ёрлиғи берилди. Бу ҳаммамизни ютуқларни янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун муттасил изланиш олиб боришга сафарбар этади. Коллективимиз ўнинчи беш йиллик ни ва юбилей йилини яхши меҳнат кўрсаткичлари билан якунлаш учун ҳорман-толмай меҳнат қилаверади.

А. ПУЛАТОВ,
Тошкент ёғ-мой комбинати директори, республикада хизмат кўрсатган инженер.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Совет Иттифоқининг коммунистлари ва барча меҳнаткашларига шуни чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, Югославия халқларининг атоқли раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг раиси Иосип Броз Тито оғир касалликдан сўнг 1980 йил 4 май куни 88 ёшида вафот этди.

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛЛАРИ

2. СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

СЎЗ билан иш бирлиги ленинча турмуш тарзининг асосий принципларидан бири, партиямиз талабидир. Бундай бирлик совет кишиларининг актив ҳаётий позициясига, уларнинг меҳнатга онгли муносабатига асосланади.

Эндиликда илғор ишчи ва колхозчиларимиз ўз ихтиёрлари билан оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилиб, улар ишлаётган меҳнат коллективлари социалистик мусобақа авангардида бориши учун астойдил қайғурмоқдалар. Масалан, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув бирлашмаси, «Тошкент» мебель бирлашмаси ва химия-фармацевтика заводи коллективлари 1980 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқишлари шубҳасиз, негаки, бу коллективларда планларнинг бажарилиши учун барча омиллар мавжуд.

Ҳозирги вақтда Тошкент область партия ташкилоти ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1979 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқидаги кўрсатмаларга амал қилиб, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши, ташкилий-хўжалик ва идеология ишларининг чамбарчас бирлигини таъминлаш учун астойдил курашмоқда. Шаҳар ва район партия комитетлари ғоявий-сиёсий ва ахлоқий-тарбиявий ишнинг ҳамма воситаларини ишга солмоқдалар.

Булар — партия, комсомол ўқуви, иқтисод таълим системаси, шаҳар ва район партия комитетларининг лекторлик группалари, «Билим» жамияти, коммунистик меҳнат мактаблари ва халқ дорилфунунлари, агитколлективлар, сиёсий ахборотчилар ва мураббийлар группалари, аҳоли турмуш маданиятини ошириш ва янги урф-одатларни жорий этиш бўйича жамоатчилик советлари, турли категориядаги идеология ходимларининг доимий ҳаракатдаги семинарлари, матбуот, радио, телевидение ва бошқалардир.

Буларнинг ҳаммаси ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбиянинг функцияларини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Шу боисдан ҳам партия комитетлари меҳнат коллективларида тарбиявий ишни такомиллаштириш билан бирга аҳоли турар-жойларида идеологик, сиёсий-тарбиявий иш олиб боришга ҳам кўпроқ эътибор бераётган бўлиб қолдилар.

Масалан, Янгийўл шаҳар партия комитети ҳузурида оммавий-сиёсий ишлар бўйича координацион кенгаш тузилган бўлиб, унга партия, совет, комсомол ташкилотларининг вакиллари, хўжалик раҳбарлари жалб қилинган. Мазкур кенгаш меҳнаткашларнинг бўш вақти, дам олиш ва байрам кунларида ғоявий-сиёсий ва эстетик тарбия соҳасида ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар, ана шу йўналишдаги лекция, доклад ва суҳбатлар, хилма-хил спорт ва оммавий-маданий тадбирлар ўтказишда бошлангич партия ташкилотларига ёрдам бермоқдалар.

Тошкент шаҳридаги Сергели, Куйбишев районлари, Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районлари пропагандистлари ғоявий-сиёсий, тарбиявий иш самарадорлиги ва сифатини ошириш масалаларига кўпроқ эътибор бериб, яхши иш қилмоқдалар. Улар ишчилар, қурувчилар, пахтакорлар ва чорвадорларнинг шахсий мажбурият ва планларини ишлаб чиқишда фаол кўмаклашмоқдалар.

Оғзаки сиёсий агитация ва лекция пропагандаси оммага идеологик таъсир ўтказиш системасида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан ҳам кейинги вақтда партия комитетларининг штатли ва штатсиз лекторлари состави анча кенгайди. Улар ўтган йили коммунистик тарбия масалалари бўйича 3 мингдан ортиқ лекция ва суҳбат ўтказишди.

Раҳбар кадрларнинг идеологик фаолиятда мунтазам қатнашиб туриши ҳам таъминланмоқда. Республика Компартияси Марказий Комитети XIII пленуми қарорига мувофиқ областимизда ягона сиёсий кун белгиланган. Шу куни область партия комитети аъзолари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари, корхона ва қурилишларда, колхоз, совхоз ва муассасаларда, аҳоли турар-жойларида бўлиб, турли мавзуларда доклад, лекция ва суҳбатлар билан чиқишади. Айтайлик, Калинин районида раҳбар ходимларнинг 70 процентдан кўпроғи бундай тадбирларда фаол қатнашаётганлиги қувончли ҳолдир. Республика идеология ходимлари партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, раҳбар кадрларни ғоявий-тарбиявий ишга янада фаолроқ жалб қилиш лозим.

Меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнамоқда. «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарида, область радиоси ва телевиденисида беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш, совет турмуш тарзини пропаганда қилиш соҳасидаги ишлар яхши ёритилиб, жумладан, «Идеология ва ҳаёт», «Район партия комитетларидан хатлар», «Ташаббускорлар ҳузурида», «Илғор тажриба минбари», «Тежамкорлик — коммунистик хислат», «Одоб — ахлоқ мавзуида» каби рубрикалар остидаги материаллар мунтазам равишда эълон қилинмоқда.

Эндиликда партия пропагандист кадрлар, оғзаки сиёсий агитация активлари, пропаганда ва ахборот воситалари зиммасига тарбиявий иш методларини мунтазам такомиллаштириш вазифасини юкламоқда. Бунинг учун бизда тегишли шарт-шароит бор. Аммо, бир қатор жойларда партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари идеологик ишларни моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш тўғрисида кам қайғурадилар. Клублар ва қизил бурчаклар, кутубхоналар ўз вақтида ремонт қилинмайди, дала шийпонларида газета ва журналларнинг янги сонлари, керакли адабиётлар топилмайди. Лекция ва суҳбатлар ўтказишда техника воситалари, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳам кўнгилдагидек эмас. «Мусобақа экранлари», «Молния», «Жанговар варақа» каби кўргазмали воситаларни Бўстонлиқ ва Оржоникидзе районлари айрим хўжаликларида кам учратасиз.

Область партия комитети ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларига катта аҳамият бериб келмоқда. Нигит ва қизларни В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти мисолида, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, ҳозирги вақтда комсомол сиёсий таълими системасида 160 мингдан ортиқ ёшлар марксча-ленинча назарияни ўрганмоқда. Ленин дарслари ўтказиш тарбиянинг таъсирчан формасига айланди. Область комсомол комитети «Коммунизмни ленинчаспа ўрганамиз, коммунизм қурамиз» шнори остида ўтказилган Бутуниттифоқ ленинча синов тадбирларини яхши ташкил қилди. Шунингдек, шаҳар, район ва бошлангич комсомол ташкилотлари меҳнат коллективларида ёшларни корхона ёки колхоз, совхозга қабул қилиш маросими, «Биринчи шудгор», «Биринчи чаноқ» байрамларини ўтказиш, мураббийлик ҳаракатини ташкил этиш борасида муайян тажриба тўплади.

Совет халқи Улуғ Ғалабанинг 35 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик кўраётган шу кунларда ёшлар оталарининг шонли анъаналарини давом эттиришга астойдил интилмоқдалар.

Оржоникидзе районидаги Пушкин номли 6-ўрта мактаб ўқувчиси Х. Султонова «Жанговар шуҳрат музейи»ни ташкил этиш тажрибасидан» деб аталган докладида қуйидагиларни ёзади: «Жанговар шуҳрат музейини ташкил қилишда бизга коммунистлар, қишлоқнинг барча аҳолиси, урушда бўлганларнинг оилалари яхши ёрдам беришди. Улар тўплаган ҳужжатлар музейдаги «Оталар йўлидан борамиз», «Ўзбекистон — фронтга», «Бизнинг жангчиларимиз» бўлимларини тўлдиришда жуда қўл келди. Жумладан, Брест ва Прагани немис босқинчиларидан озод қилишда қатнашган ака-ука Шерматовларнинг жасоратлари ҳақида қиқоя қилувчи ҳужжатларни томошабинлар ҳаяжонланиб ўқийдилар. Ҳозир бу ака-ука колхозимизда меҳнат қилишади, тез-тез мактабимизга келиб, ёшларга ўз жанговар йўллари тўғрисида ҳикоя қилиб беришадн».

Область партия ташкилоти меҳнаткашларни СССР халқлари дўстлигига садоқат руҳида тарбиялаш борасида ҳам кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, областимиз шаҳар ва районларида республикалар кунини ўтказиш анъанага айланди. Шунингдек, корхоналар, хўжаликлар ва ўқув юртларида 1200 га яқин интернационал дўстлик клублари ишлаб турибди. Ўзбекистон пойтахтининг ҳамма олий ўқув юртларида халқлар дўстлиги халқ доруқфунунлари ташкил қилинган.

Болгария Халқ Республикаси Хасково округи билан областимиз меҳнаткашлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Г. АИРАПЕТЯНЦ,
область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

А. МАКСИМОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

Бундай мисолларни Ангрен шаҳри, Тошкент шаҳрининг Октябрь, Ҳамза ва бошқа районлари ҳаётидан ҳам келтириш мумкин.

Областимиз партия ташкилотлари марксча-ленинча назария, коммунистик ахлоқнинг илмий асослари, совет турмуш тарзини пропаганда қилишни янада такомиллаштириб бормоқдалар. Бу ишда коммунистлар ва партиясизларнинг марксча-ленинча таълими муҳим роль ўйнамоқда.

Кейинги даврда таълимнинг мазмуни анча яхшиланди. Олий звено тингловчиларининг 50 процентдан кўпроғи «КПСС идеология ишининг энг муҳим масалалари», «В. И. Ленин, КПСС коммунистик ахлоқ тўғрисида», «Социалистик турмуш тарзи», «В. И. Ленин, КПСС адабиёт ва санъат тўғрисида» курсларини ўрганмоқдалар. К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари, Л. И. Брежнев нутқлари ва мақолалари, партия ва давлатимиз энг муҳим ҳужжатларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилаётир. Илмий-амалий ва назарий мавзудаги конференциялар бу ишда катта роль ўйнамоқда. Ўтган йили область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими ўнга яқин ана шундай конференция ўтказди.

Тошкент шаҳридаги Сергели, Куйбишев районлари, Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районлари пропагандистлари ғоявий-сиёсий, тарбиявий иш самарадорлиги ва сифатини ошириш масалаларига кўпроқ эътибор бериб, яхши иш қилмоқдалар. Улар ишчилар, қурувчилар, пахтакорлар ва чорвадорларнинг шахсий мажбурият ва планларини ишлаб чиқишда фаол кўмаклашмоқдалар.

Оғзаки сиёсий агитация ва лекция пропагандаси оммага идеологик таъсир ўтказиш системасида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан ҳам кейинги вақтда партия комитетларининг штатли ва штатсиз лекторлари состави анча кенгайди. Улар ўтган йили коммунистик тарбия масалалари бўйича 3 мингдан ортиқ лекция ва суҳбат ўтказишди.

Раҳбар кадрларнинг идеологик фаолиятда мунтазам қатнашиб туриши ҳам таъминланмоқда. Республика Компартияси Марказий Комитети XIII пленуми қарорига мувофиқ областимизда ягона сиёсий кун белгиланган. Шу куни область партия комитети аъзолари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари, корхона ва қурилишларда, колхоз, совхоз ва муассасаларда, аҳоли турар-жойларида бўлиб, турли мавзуларда доклад, лекция ва суҳбатлар билан чиқишади. Айтайлик, Калинин районида раҳбар ходимларнинг 70 процентдан кўпроғи бундай тадбирларда фаол қатнашаётганлиги қувончли ҳолдир. Республика идеология ходимлари партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, раҳбар кадрларни ғоявий-тарбиявий ишга янада фаолроқ жалб қилиш лозим.

Меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнамоқда. «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарида, область радиоси ва телевиденисида беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш, совет турмуш тарзини пропаганда қилиш соҳасидаги ишлар яхши ёритилиб, жумладан, «Идеология ва ҳаёт», «Район партия комитетларидан хатлар», «Ташаббускорлар ҳузурида», «Илғор тажриба минбари», «Тежамкорлик — коммунистик хислат», «Одоб — ахлоқ мавзуида» каби рубрикалар остидаги материаллар мунтазам равишда эълон қилинмоқда.

Эндиликда партия пропагандист кадрлар, оғзаки сиёсий агитация активлари, пропаганда ва ахборот воситалари зиммасига тарбиявий иш методларини мунтазам такомиллаштириш вазифасини юкламоқда. Бунинг учун бизда тегишли шарт-шароит бор. Аммо, бир қатор жойларда партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари идеологик ишларни моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш тўғрисида кам қайғурадилар. Клублар ва қизил бурчаклар, кутубхоналар ўз вақтида ремонт қилинмайди, дала шийпонларида газета ва журналларнинг янги сонлари, керакли адабиётлар топилмайди. Лекция ва суҳбатлар ўтказишда техника воситалари, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳам кўнгилдагидек эмас. «Мусобақа экранлари», «Молния», «Жанговар варақа» каби кўргазмали воситаларни Бўстонлиқ ва Оржоникидзе районлари айрим хўжаликларида кам учратасиз.

Область партия комитети ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларига катта аҳамият бериб келмоқда. Нигит ва қизларни В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти мисолида, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, ҳозирги вақтда комсомол сиёсий таълими системасида 160 мингдан ортиқ ёшлар марксча-ленинча назарияни ўрганмоқда. Ленин дарслари ўтказиш тарбиянинг таъсирчан формасига айланди. Область комсомол комитети «Коммунизмни ленинчаспа ўрганамиз, коммунизм қурамиз» шнори остида ўтказилган Бутуниттифоқ ленинча синов тадбирларини яхши ташкил қилди. Шунингдек, шаҳар, район ва бошлангич комсомол ташкилотлари меҳнат коллективларида ёшларни корхона ёки колхоз, совхозга қабул қилиш маросими, «Биринчи шудгор», «Биринчи чаноқ» байрамларини ўтказиш, мураббийлик ҳаракатини ташкил этиш борасида муайян тажриба тўплади.

Совет халқи Улуғ Ғалабанинг 35 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик кўраётган шу кунларда ёшлар оталарининг шонли анъаналарини давом эттиришга астойдил интилмоқдалар.

Оржоникидзе районидаги Пушкин номли 6-ўрта мактаб ўқувчиси Х. Султонова «Жанговар шуҳрат музейи»ни ташкил этиш тажрибасидан» деб аталган докладида қуйидагиларни ёзади: «Жанговар шуҳрат музейини ташкил қилишда бизга коммунистлар, қишлоқнинг барча аҳолиси, урушда бўлганларнинг оилалари яхши ёрдам беришди. Улар тўплаган ҳужжатлар музейдаги «Оталар йўлидан борамиз», «Ўзбекистон — фронтга», «Бизнинг жангчиларимиз» бўлимларини тўлдиришда жуда қўл келди. Жумладан, Брест ва Прагани немис босқинчиларидан озод қилишда қатнашган ака-ука Шерматовларнинг жасоратлари ҳақида қиқоя қилувчи ҳужжатларни томошабинлар ҳаяжонланиб ўқийдилар. Ҳозир бу ака-ука колхозимизда меҳнат қилишади, тез-тез мактабимизга келиб, ёшларга ўз жанговар йўллари тўғрисида ҳикоя қилиб беришадн».

Область партия ташкилоти меҳнаткашларни СССР халқлари дўстлигига садоқат руҳида тарбиялаш борасида ҳам кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, областимиз шаҳар ва районларида республикалар кунини ўтказиш анъанага айланди. Шунингдек, корхоналар, хўжаликлар ва ўқув юртларида 1200 га яқин интернационал дўстлик клублари ишлаб турибди. Ўзбекистон пойтахтининг ҳамма олий ўқув юртларида халқлар дўстлиги халқ доруқфунунлари ташкил қилинган.

Болгария Халқ Республикаси Хасково округи билан областимиз меҳнаткашлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Г. АИРАПЕТЯНЦ,
область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

А. МАКСИМОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

ПАРТИЯМИЗ, совет халқи бутун илғор инсоният яқинда В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонладилар. Ер юзининг ҳамма жойларида кенг жамоатчилик доҳиймизга ўзининг чуқур ҳурмати ва меҳр-муҳаббатини изҳор қилди. Ана шу катта байрам меҳнаткашларнинг бутун жаҳон бўйлаб бирдамлиги куни — 1 Май тантаналарига уланиб кетди. Эндиликда эса Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 35 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз.

Барча совет халқлари қатори, областимиз меҳнаткашлари ҳам ана шу шонли саналарни меҳнатда ажойиб ютуқлар билан кутиб олдилар. Барча коммунистлар сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар ўз жозибали сўзлари ва шахсий намуналари билан ана шу саналарни муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бўлиш учун астойдил интилдилар.

Эндиликда улар умумхалқ мусобақасини янада авж олдиришга ишчи ва хизматчиларни, деҳқонлар ва зиёлиларни янада кенг сафарбар этиб, партия ва совет халқининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш борасида эришаётган ютуқлари билан оммани таништиришлари, олдинда турган хилма-хил, муҳим вазифаларни яна бир карра чуқур тушунтириб беришлари даркор.

Ҳозирги кунда областимизда оммавий-сиёсий ишлар маркази дала шийпонларига кўчирилмоқда. Бу ерда хилма-хил ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш учун, деҳқонларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шарт-шароитни муҳайё қилиш шу кунларнинг талабидир.

Агитация кадрлари учун доимий ҳаракатдаги семинарнинг навбатдаги машғулотини ўтказиб, қўйидаги мақолалардан фойдаланишни тавсия этамиз:

Идеология иши жонли, ниҳоятда тус-олсин. (Республика ва область газеталарининг 8 апрель сонлари).

Меҳнатдаги ташаббуснинг кучи («Правда»нинг 25 апрель сонидаги бош мақоласидан).

Май ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланинг:

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЕСИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Ленинизмнинг буюк ҳаётбахш кучи. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда ўртоқ Б. Н. Пономарёв доклади (Марказий, республика ва область газеталарининг 22 апрель сонлари).

Тарихий ҳақиқат овози. («Коммунист» 5-сон, 3—13-бетлар).

КПСС Марказий Комитетида. Темирйўл транспортида партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш тадбирлари тўғрисида («Коммунист», 5-сон, 14—17, «Партийная жизнь» 7-сон, 8—10-бетлар).

ОҒЗАКИ СИЕСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

Ватаннинг олий нишони. Ғалабанинг 35 йиллиги олдидан. («Агитатор», 6-сон, 30—31, 32—35-бетлар, 7-сон, 29—33-бетлар, «Ўзбекистон агитатори», 7-сон, 8—13-бетлар).

Халқ ҳокимиятининг ленинча принциплари тантанаси. («Ўзбекистон коммунисти, 4-сон, 16—24-бетлар).

В. И. Ленин сиёсий агитация тўғрисида («Ўзбекистон агитатори», 6-сон, 13—16-бетлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Социал системалар динамикаси. («Коммунист», 5-сон, 56—70-бетлар).

Интизом: Бурчимиз, виждонимиз. («Агитатор», 6-сон, 45—50-бетлар).

Аҳлоқий тарбияни такомиллаштирайлик, («Агитатор», 7-сон, 34—38-бетлар).

Оддий оила («Ўзбекистон агитатори», 6-сон, 23—25-бетлар).

Халқ фаровонлигининг ўсиши. («Ўзбекистон агитатори», 7-сон, 30-бет).

«Салют-6»да яна одамлар яшамоқда. («Новое время», 16-сон, 7-бет).

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида (Марказий, республика, область газеталарининг 26 апрель сонлари).

Тошкент область партия комитети пленуми материаллари. (область газеталарининг 25 апрель сони).

Республика саноатининг дадил одимлари (республика, область газеталарининг 23 апрель сонлари).

Ғалла — ризқ-рўзимиз. Область партия комитетида. (Область газеталарининг 18 апрель сонлари).

Ишда мустаҳкам интизом — ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг муҳим шарти. (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 7-сон, 3—7- бетлар).

Ҳозирги шароитда экономикани бошқаришнинг ленинча принциплари, («Коммунист», 5-сон, 20—31-бетлар).

Энергетика — иқтисодий ўсиш негизи. («Агитатор», 6-сон, 24—27-бетлар).

Бир минут вақт ҳам бекор ўтмасин («Советские профсоюзы», 6-сон, 14-бет).

Молларнинг юксак маҳсулдорлиги учун курашайлик. («Ўзбекистон агитатори», 7-сон, 23—25-бетлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ БЎЙИЧА

Коммунистик ва ишчи партияларнинг учрашуви материаллари. (Марказий, республика ва область газеталарининг 29 апрель — 1 май сонлари).

Пекинда ҳокимият учун навбатдаги кураш («Партийная жизнь», 7-сон, 72—79-бетлар).

Форс қўлтиғи Пентагон режаларида («Агитатор», 7-сон, 45—47-бетлар).

80-йилларга қадам қўйиб. («Советские профсоюзы» 6-сон, 29—30-бетлар).

АҚШ ташқи сиёсати 80-йиллар маррасида. («Новое время», 15-сон, 7—9, 16-сон, 10—11-бетлар).

Афғонистон: халқ ғалабалари посбонлигида. («Коммунист» 5-сон, 71—78-бетлар, «Проблеми мира и социализма», 4-сон, 38—46, «Новое время» 15-сон, 5—7-бетлар).

Африкада янги мустамлакачиларнинг найранглари. («Агитатор», 6-сон, 40—42 бетлар).

Эронда халқ революцияси («Коммунист», 5-сон, 79—89- бетлар).

ЭСЛАТМА: Суҳбат ва сиёсий ахборотга тайёрланишда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий мисоллар, факт ва рақамлардан фойдаланиш лозим.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

ҚАНДОЛАТЧИЛАР

Йўлингиз тушиб, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозига бориб қолсангиз, 2-умумий овқатланиш корхонасига кириб ўтишни унутманг. Бу ерда район кооператив савдо корхонасининг кондитер цехи жойлашган. Цех ишчи-хизматчиларининг зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган бўлиб, бу ерда 15 киши меҳнат қилади.

Мазкур цехда тайёрланаётган турли хил коржик, кекс, булкача, печенье, рулет ва вафлилар райондаги 24 та мактаб буфетларига етказиб берилади. Район кооператив савдо бошқармаси, «Дружба» ресторан ва кафеси ҳамда марказий универмаг оқшонаси ҳам ана шу корхонанинг доимий харидорлари ҳисобланишади. Шу боисдан коллективда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Кўпгина ташкилий ва техникавий ишлар амалга оширилгани.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси жорий этилгач, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўллари киритилди. Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг ўтган тўрт йили мобайнида шу соҳада бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ишлаб чиқариш новаторлари — цех бошлиғи Ася Тўхтамишева ва Александра Стрельниковалар коржик пиширилиладиган цехларни тўла реконструкция қилдилар. Натижада айрим эски печлар ўрнини янгилари эгаллади. Бу — корхонага 10 минг сўмга яқин иқтисодий фойда келтирди.

Барча муваффақиятларнинг асоси бўлган меҳнат интизомини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Интизомни қанчалик мустаҳкам бўлса, меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади, маҳсулот сифати ортади. Бу биринчи галда ишчиларнинг ўзига моддий жиҳатдан фойда келтирмоқда. Илғорларнинг рағбатлантирилиши уларнинг ўз ишига бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш барча бўлимлар кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келди. Масалан, коржик тайёрланаётган бўлимни олиб кўрайлик. Бундан чамаси уч йил олдин у қолоқлар сафида эди. Ҳозир унга илғор ишчи Александра Стрельникова бириктириб қўйилди. Александра биринчи навбатда иш интизомини мустаҳкамлашни асосий вазифа қилиб олди. Кечикиб келиб, барвақт кетиб қолувчиларга қарши қаттиқ чоралар кўрилди. У ҳар бир киши билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиб, қалбига қўл солиб кўрди. Булар яхши самаралар беряпти. Бўлим планини ошириб бажариш билан бирга пешқадамликка ўтиб олди. Иқтисодий ислоҳат самарадорлиги 20 процентгача ортди. Ҳар бир ишчининг олаётган меҳнат ҳақи ҳам бошқа бўлимларникидагига қараганда анча кўпайди.

Қандолатчилар унумли ишлаш билан бирга хом ашё, материаллар, ёнилғи ва электр қувватини тежашга ҳам астойдил интилмоқдалар. Бракка йўл қўйиш қариб 80 процент камайди. Меҳнат интизомининг мустаҳкамланганлиги, янгиликларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этилаётганлиги туфайли бошқа бўлимларда ҳам натижалар салмоқли бўлмоқда.

Корхонада планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш асосида иш олиб борилаётганлиги туфайли, ишлаб чиқариш тез суръатлар билан юксалиб, ўтган йил маҳсулот ишлаб чиқариш плани 101 процент қилиб ado этилди. Планга қўшимча 8 процент фойда олинди. Шу билан бирга тўланаётган маош ҳажми ҳам ошди. Ҳар кварталда бир ишчи ҳисобига пул тўлаш рағбатлантириш фондидан бериладиган мукофотларни ҳам ҳисобга олсак 22 процентга кўпайди.

Ўнинчи беш йиллигининг якуновчи йилини зафарлар йилига айлантиришга ахд қилган цех ишчилари тўрт ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари ошириб ado этди. Қандолатчилардан Амина Атаманова, Таня Игнатьева, Савлия Калдибаева, Раҳима Бўроноева, Ада Ким, Валентина Никитина ва Флюза Сабитовалар кунлик иш нормаларини 125—130 процент қилиб бажармоқдалар.

А. ФОЗИЛОВ,
Ф. ИСАЕВ.

ВАЪДА ЭМАС, АМАЛИЙ ИШ КЕРАК

МЕҲНАТ Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинати фақат республикада эмас, балки Ўрта Осиёда дастлабки йирик корхоналардан бири сифатида бунёдга келган. Уттизинчи йилларнинг бошида Тошкентнинг чекка ташландиқ жойида қад кўтарган бу улкан саноат гиганти кейинги йилларда тобора кенгайиб, қуввати орта борди. Ҳозир ҳар суткада 600 минг метрдан знёд ип газлама ишлаб чиқармоқда.

Бугунга келиб комбинатни қайта реконструкция қилиш, узоқ йиллар мобайнида ишлатилаётган машина ва ускуналарни замонавий техника билан алмаштириш, янги корпуслар қуриш ва шу тарзда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш эҳтиёжи туғилди.

Комбинат реконструкциясининг боришини мунтазам ёритиш мақсадида комбинатда «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлар пости ташкил этилди.

Бугун шу пост аъзолари иштирокида тайёрланган биринчи мақолани эълон қиляпмиз.

Комбинатни реконструкция қилиш бундан тўрт йил аввал бошланган бўлса-да, бу иш асосан икки ярим йил муқаддам кенг қулоч ейди. 1979 йилнинг январида эса реконструкция ишларини янада жадаллаштириш, бу соҳада белгиланган планни ўз муддатида бажарилишини таъминлаш мақсадида «Ташпромстрой» трести ҳузурида 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ташкил этилди, бу коллектив зиммасига Тошкент тўқимачилик комбинатини реконструкция қилишда бош пудратчилик вазифаси юклатилди.

Шундан буён реконструкция ишида сезиларли силжиш бўлиб, бир қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Бироқ, ҳали қурувчи-монтажчилар олдида жуда катта вазифалар турипти. Комбинат реконструкцияси 1985 йилгача давом этади. Унга жами 39 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланади. Реконструкция ишида қатнашаётган барча ташкилотлар ана шу улкан вазифани ҳисобга олиб, капитал маблағларни бир маромда ўзлаштирганларидагина кўзланган мақсадга эришилади. Ҳозирча эса ана шундай бир маром таъминланмаяпти.

Комбинат реконструкциясининг асосий объектлари ҳисобланган 1-йигирув-тўқув фабрикаси ва пардозлаш фабрикаси деярли бутунлай қайта қурилмоқда. Биринчи йигирув-тўқув фабрикаси комбинат территориясидан ташқарида Акмал Икромов районида бунёд этиляпти. 1983 йилда фойдаланишга топшириладиган бу улкан объектнинг пойдевори қўйиб бўлинди. Айни кунларда темир-бетон конструкциялар монтаж қилиняпти.

Улкан корхонанинг самарали ишлаши учун унга ҳизмат қиладиган қатор қўшимча бўлинмаларнинг ишини ҳам яхшилаш даркор. Шу мақсадда электр-ремонт механика цехининг янги корпуси қуриб фойдаланишга топширилди. Бу корпус 1979 йил ноябрида Улуғ Октябрь байрами шарафига ишга туширилган эди. Унинг тўрт қаватли маъмурий-маиший корпуси эса доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни 1 Май байрами арафасида комбинатда яна бир катта тантанали воқеа бўлди — пардозлаш фабрикасининг секкиз қаватли маъмурий-маиший корпуси ишга туширилди.

Энди навбатда ип фабрикасининг маъмурий-маиший корпусини фойдаланишга топшириш вазифаси турибди. Қурувчи ва монтажчилар бу объектда иш суръатини ошириб, уни белгиланган муддатда битказиш учун барча резерв ва имкониятларни сафарбар қилишлари даркор. Ип фабрикасининг бўяш цехини ҳам битказиб, буюртмачига топшириш навбатдаги долзарб вазифалардандир.

Ҳозирча эса бу объект — бўяш цехи белгиланган муддатдан анча орқада қолмоқда. Уни 22 ойда қуриб битказиш планлаштирилган бўлишига қарамай, тўрт йилдан бўён бу иш тугатилгани йўқ. Бу эса ишлаб турган комбинат планининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Цехдаги ҳозирги кунларда ишлаши лозим бўлган 22 та аппаратнинг ярми ишлаяпти, холос.

Ўтган йил реконструкция қурилиш штаби йиғилишларида «Ташпромстрой» тресті 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг йўл қўяётган нуқсонлари, хусусан, биринчи навбатда ишга туширилиладиган объектларга эмас, балки янги бошланаётган объектларга ишларини бошлашга уннаб кетмоқдалар.

Бу майда маҳаллийчиликдан бошқа нарса эмас. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар реконструкциянинг ишлаб турган корхона ичида олиб борилаётганини унутиб қўйишяпти. Бу корхонанинг эса кунлик, ойлик ва йиллик маҳсулот реализация қилиш планлари бор! Қурувчиларнинг мана шу нарса билан ҳисоблашмаслиги планларнинг бажарилишида қийинчилик туғдирмоқда. Ҳолбуки, буюртмачи реконструкциянинг бошланишида қурилиш объектларини барпо этиш ва тайёр объектларни белгиланган график асосида фойдаланишга топшириш ҳақида бинокорлар билан шартнома тузган эди. Уша пайтда ип фабрикасининг бўяш цехида қимматбаҳо бўяш ускунасини монтаж қилиш бошланди. Бу ускуна ишга туширилгач ип ишлаб чиқариш ҳажми ортади ва унинг сифати кескин яхшиланади. Уни ишга туширш учун мавжуд цех конструкциясига айрим ўзгартишлар киритиш — янги компрессор станцияси, подстанция қуриш ҳамда маиший бинолар қуриш белгиланган эди. Бош пудратчи бу ишни ҳануз тўла ниҳоясига етказгани йўқ.

Комбинатда реконструкция ишларининг бориши бўйича тез-тез бўлиб турган штаб йиғилишларида 1-қурилиш-монтаж бошқармаси раҳбарлари ишни жадаллаштириш ҳақида катта-катта ваъда беришади. Лекин, йиғилиш тугаши билан ваъдалар унутилади. Бўяш цехида одатдагидек қурувчи-монтажчилар кўринмайди...

Бош пудратчи раҳбарлари бундай ваъдабозликларни тугатиб, объектлардаги ишни, қурилиш-монтаж суръатини кучайтирадиган вақт келди. Барча объектларда, ишчи кучининг белгиланган даражада бўлишини таъминлаш ва объектларни графикда кўрсатилган муддатларда фойдаланишга

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Журналистлар Союзи правлениесининг секретариати 1979 йилги энг яхши журналистик иши учун СССР журналистлар союзининг мукофотларини қуйидагиларга берди:

Украина ССРдаги «Рабочая газета» республика газетаси редакторининг ўринбосари **Э. В. Бабенко** — **Пивтораднега,** шу газетанинг бўлим мудири **В. Е. Курманга,** Украина телевиденисининг режиссери **Р. А. Литвинга,** «Вечерняя Москва» газетаси жамоат редакцион кенгашининг раиси **А. П. Ноздряковга,** «Советская торговля» газетаси бўлимининг редактори **Н. И. Номофиловага,** аҳолига маиший хизматни, савдо-сотиқни ва шаҳар транспортини ташкил этишни такомиллаштиришга бағишланган газета мақолалари ва телевидение кўрсатувлари туркуми учун;

Иркутск областидаги «Черемховский рабочий» шаҳар газетасининг бўлим мудири **В. И. Баулинга** — ишлаб чиқариш илғорларига, уларнинг меҳнатдаги ва жанговар жасоратларига бағишлан ган «Унинг чўққиси», «Степан черновнинг иқболи», «Ажойиб қотишма» очерклари учун;

СССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетининг сиёсий обзорчиси **В. П. Бекетовга** — «Илтимосингизга мувофиқ учрашувлар» деб аталган ва мамлакат иқтисодий турмушининг энг зарур проблемаларига бағишланган телевидение программасидаги суҳбатлар учун;

«Правда» газетасининг махсус мухбири **В. Н. Белоусовга** — замондошларимизни, совет турмуш тарзини тасвирловчи «Қарши камалаги», «Лужкалик люба», «Ҳамиша ҳамнафас», «Партия солдатлари» очерклари учун;

Ярославль областидаги Переслав район газетаси — «Коммунар»нинг бўлим мудири **А. П. Борозднага** — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашга бағишланган «Бош йўлдан» мақолалари учун;

«Сельская жизнь» газетаси бўлимининг редактори **Г. И. Брандтга,** «За рубежом» газетаси бош редакторининг ўринбосари **В. Б. Иорданскийга** «Правда»нинг Афғонистондаги мухбири **Л. К. Мироновга,** ТАСС фотохроникаси редакциясининг мудири **Г. Б. Надеждинга,** «Советская культура» газетасининг махсус мухбири **А. Р. Ниёзматовга,** «Советская Россия» газетасининг махсус мухбири **О. И. Опаринга,** «Литературная газета»нинг махсус мухбири **А. А. Прохановга,** «Известия» газетасининг Афғонистондаги ўз мухбири **К. Ф. Рашидовга** — афғон халқининг революцион ғалабаларини, мамлакатдаги демократик ўзгаришларни тасвирловчи материаллар туркуми учун;

«Крестьянка» журналининг адабий ходими **Л. Г. Бутковскаяга** — ишчилар синфи билан деҳқонларнинг ҳамдўстлиги тўғрисидаги «Кеча, бугун, эртага...» очерки учун.

Свердловскдаги «Уральский рабочий» область газетасининг бўлим мудири **Б. В. Воробьевга** — хўжасизликка ва кўзбўямачиликка қарши қаратилган «ҳаммомга бало борми!», «Санузел машмашаси!», «Уватдаги тажриба», «Табиат билан олишув» фельетонлари учун.

«Казахстанская правда» республика газетасининг бўлим мудири **Н. Х. Гарифуллинага** — шахсни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ҳаётдаги актив позицияни ҳосил қилиш проблемасини кўтарувчи «Бахт таронаси», «Опанинг кўз нури», «Биринчи дала», «Қаҳрамонининг ердаги жасоратлари» очерклари учун.

«Советский Союз» журналининг бош рассоми **А. С. Житомирскийга** — даврий матбуотда эълон қилинган ва «Плакат» нашриётида чиқарилган «Мустамлакачиларга ва уруш оловини ёқувчиларга йўл йўқ!» ва «Озодлик нақоби остида» сиёсий плакатлари учун;

Белоруссия ССРдаги «Звязда» республика газетасининг бўлим мудири **Н. А. Зеньковичга** — «ривожланган социализм меҳнатчиларининг социологик қиёфаси» рубрикаси остидаги мақолалари учун;

«Известия» газетасининг халқаро обзорчиси **М. М. Ильинскийга,** «Правда» газетасининг обзорчиси **В. Н. Скворцовга** — Вьетнам халқининг хитойлик агрессорларга қарши курашдаги, ўз социалистик ватанини ҳимоя қилишдаги қаҳрамонлигини кўрсатувчи материаллари учун;

«Экономическая газета»нинг ўз мухбири **Н. Г. Козловга** — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш проблемасини кўрсатувчи «Жарликларга қандай заб этилади», «Ернинг ҳам хотираси бор», «Эзгуликнинг чеки йўқ» сарлавҳали социал-иқтисодий очерклари учун;

«Огонек» журналининг фотомухбирлари **Г. В. Копосовга, Л. Н. Шерстенниковга** — журналда эълон қилинган ва «Плакат» нашриётида чиқарилган «Уртоқ КамАЗ» Фотоальбомига кирган Кама автомобиль заводининг одамлари тўғрисидаги суратлари учун;

Бутуниттифоқ радиосининг директори **Ю. Б. Левитанга,** шарҳчиси **Б. М. Лешчинский,** ўз мухбири **А. С. Ярошевскийга** — Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, уларнинг уруш ва тинч кунлардаги жасоратларига бағишланган «Ветеранларнинг ёзганлари» радиоэшиттириши учун;

С. Оржоникидзе номли Харьков трактор заводининг кўп тиражли «Темп» газетаси редактори **Н. В. Мишинга** — меҳнаткаш инсонни, унинг ленинчасига, коммунистчасига ишлаш иштиёқини кўрсатувчи «Тракторободнинг ишлари ва кишилари» мақолалари учун;

«Комсомольская правда» газетасининг махсус мухбири **В. М. Песковга** — ёшларни ватанпарварлик ва ватанга меҳр-муҳаббат туйғуси руҳида тарбияловчи «Дала йўллари» очерклари учун;

Саратовдаги «Коммунист» область газетасининг бўлим мудири **Ю. А. Пятницкийга** — Ватанимиз фанини ривожлантиришга ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган «Нур яратувчилар», «Оқ халатли лазер», «Нур билан даволаш», «Офтобни қуватиб» лавҳалари ва мақолалари учун;

Эстония ССР Кингисепп районидаги «Коммунизм Изхитая» газетасининг бўлим мудири **Х. В. Раунистега** — қишлоқ хўжалигидаги ички резервларни аниқлаш проблемасига бағишланган «Актуал масала» рубрикаси остидаги материаллар учун;

Ф. Н. Родионовга (марҳум) — «Коммунист» журналида эълон қилинган ва ватан, совет халқи олдидаги гражданлик масъулиятига бағишланган «Ўтмишнинг ўт босган излари» очерки учун;

Литва ССРдаги «Дарбас ир поилсис» («Меҳнат ва ҳордиқ») ахборот бюллетенининг бош редактори **Ю. А. Шопшинскасга** — Вильнюсдаги «Вечерние новости» шаҳар газетасида «Салом» рубрикаси остида эълон қилинган ва ҳаётда актив позицияда туриш, социалистик интернационализм ва ватанпарварлик мавзуини кўтарувчи материаллар туркуми учун.

* * *

Халқаро журналистика соҳасидаги энг яхши асарлар учун В. В. Воровский номли мукофотлар «Известия» газетасининг сиёсий обзорчиси **А. Е. Бовинга** — «Известия» газетасида босилган материаллари ҳамда телевидение ва радио орқали ўтказган суҳбатлари учун; «Правда» газетасининг обзорчиси **С. Н. Вишневскийга** — халқаро проблемаларга бағишланган мақолалари учун; «Ал Ҳадаф» журналининг (Фаластин озодлик ташкилоти) бош редактори **Бассам Абу Шарифга** — СССР билан Араб мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни тарғиб қилувчи мақолалар ва суҳбатлар туркуми учун; «Юманите» газетасининг (Франция) шарҳчиси **Пьер Дюранга** — халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни тарғиб қилувчи мақолалар туркуми учун; «Руде право» газетасининг (ЧССР) обзорчиси **Станислав Оборскийга** — совет халқининг турмуши ва меҳнатига, Совет — Чехословакия дўстлигига ва халқаро ҳамкорликка бағишланган мақолалар туркуми учун берилди.

* * *

СССР Журналистлар Союзи правлениеси секретариати 1979 йилда оммавий ишни яхши йўлга қўйганлиги учун қатор шаҳар, район, бирлашган ва кўп тиражли газеталар редакцияларига М. И. Ульянова номидаги мукофотларни берди.

СУЛТОН ЖЎРА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ИЙЛЛИГИГА

ШОИР ЙЎЛИ

Қўшиқ! Инсон ҳаётининг илҳомбахш йўлдоши у. Султон Жўрадан ўлмас қўшиқ қолди. Унинг ўзи абадий, янгроқ сўзи абадий! Унинг ҳаёт ва ижод йўлига бир назар ташлайлик. У, 1910 йилда Бухоро областининг Шофирикон районидаги Қоғолтом қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Уч-тўрт яшарлигида ота-онадан етим қолиб, қариндошлари қўлида тарбияланади.

Султон Жўра давр билан ҳамнафас, давр қўшиқчиси эди. У ўз атрофида, буюк мамлакатимизда юз бериб турган янги воқеаларга, қувончли ўзгаришларга жўшқин илҳоҳ билан қараб, уларга кўнгил тароналарини бағишларди. 1940 йилда нашр этилган «Фидокор» тўпламидаги шеърларини кўздан кечирсак, уларда замон руҳи, замондошларимиз ҳақидаги мадҳиялар кенг ўрин олганлигини кўрамиз.

Шоир ёш авлодни билим чўққиларига етаклаб бораётган мураббий эди. У ўтмишда инсоният истиқболи йўлида буюк кашфиётларга қўл урган даҳолар тарихидан хабардор эди. XVI асрнинг машҳур материалист олими Жордано Бруно образи, унинг мураккаб ҳаёти, бидъатга қарши бориб, илм-фан тантанаси йўлидаги кескин кураши шоир қалбини ҳаёжонга солади. Ўзининг энг йирик асарини ва ижодида чўққи ҳисобланган достонини унга бағишлайди.

Уруш даҳшатини ўтли жангоҳларда бўлган киши билади. Кутилмаган жойда ерга бош қўйиш ҳеч гап эмас. Буни шоир яхши биларди. Шунинг учун ҳам у Улуғ Ватан уруши фронтларида бундай ёзганди:

Менми? Қачон қайтаман?
Ҳозир қилмай баённи,
Ўқинг шу ҳикояни,
Сўнгра жавоб айтаман.

Шоир жанг майдонидан қайтмади. Ундан эзгу хотира янгроқ юрак садолари қолди. Бу юрак садолари унинг иккинчи абадий ҳаётини бошлаб берди. У ўз асарлари, жанг майдонларида кўрсатган жасоратлари билан халқимиз қалбида абадий барҳаётдир. У энди 70 га кирди. Унинг олис ва ёрқин йўли бахтиёр халқимиз даргоҳидан ҳеч қачон аримайди.

СУЛТОН ЖЎРА

ПАРТБИЛЕТ ОЛАРКАН

Мен бу кунни сира унутмайман;
Бу кун менда янги тетиклик.
Ҳаётимда букун байрам туси...
Қарашимда янги етуклик!
Руҳим-лочин, бу кун кўкрагим-бог,
Паст сезади бошим осмонни...
Ҳарбий салом билан кириб келдим,
Маҳкам тортиб аскар тасмамни.
Юлдуз ёнур заррин погонида...
Юзи очиқ, сочи олтин ранг.
Жой кўргазди майор ҳурмат билан...
(Соддаликкка шунда қолдим танг).
У кўзгалди қисқа суҳбат ўтгач,
Ўнг қўлида қизил партбилет.
Сапчиб турдим, мен ҳам қаддиростлик
Ҳолатини шу он шарт билиб,
Топшираркан бошлиқ зўр ҳужжатни,
Ҳар ўгитни дилга қилдим жо.

— Мен асрайман кўзим қорасидек!
Зиммамдадир ҳар икки саҳо.
Ҳам милтиғим, ҳамда созим ила
Шу унвонни оқламоқ — қарзим.
Майдон ичра, гарчи зарур экан,
Жон фидолик — жанговар фарзим!
О, жаранглар энди қаламимда
Коммунистнинг ишонч овози!
Эй, тонг, штаб улуғ йўлинг учун
Шу борлиғим, шеърим навоси!
Мен — коммунист!
Қандай мағрур бу сас!..
Бу сас ўзи меннинг ғалабам,
Шу товуш-ла жангда қатъий қасос —
Уч оламан фашист ғаладан!

1943 йил, 10 октябрь,
Ҳаракатдаги армия.

ПУЛЕМЁТЧИ ОВОЗИ

Армоним йўқ. Ватан жангтида
Бурчим ўтаб олдим жойимни.
Шу шараф-чун орзу тонгида
Талпинарди қалбим доимий.
Наводчикман «максим» йўлдошим,
Санчдим ёвга ўлим ўтини.
О! Қойилман аъло ишимдан,
Жон пулемёт менинг йўлдошим!
Зарнинг заргар... курашнинг жангчи
Жангда билур қиммат, қадрини,
Ёв улгурмас «максим» сайраса,
Мурдасига қазиб қабрини.
Атрофида портлар миналар,
«Зув-зув» учар ўқлар тепадан.
Майли ёғсин алланималар,
Ахир нега қўрқар эканман.
Тишларим ҳам ўқдай, лентадан
Приёмникка ўтиб тургандай,
Шу қадарли энч сиқилганки,
Ёв бағрига ботиб киргандай.
«Олга!» деди туриб капитан,
Фронт сари кўтариб қўлин.
Пулемётим билан кўчдиму,
«Сайра», дедим, жангчи булбулим.
Ғалабанинг соати яқин,
Эй бўш келма, жангчи «максим»им.
Биз енгамиз! Бу қатъий якун,
Жангчинг билан ишинг ҳақ сенинг.

5 ноябрь, 1943 йил,
Марказий фронт.

45 ЦЕНТНЕРЛИК МАРРА УЧУН

ТАЖРИБАЛИ пахтакор Ҳ. Бадалов бошлиқ бригада аъзолари Пискент районидаги «Гулистон» колхозида биринчи бўлиб чигитни қисқа муддатда сифатли экиб олган эдилар. Айни кундарда гуркираб ўсаётган ғўзалар кўзни қувнатмоқда.

Бригада аҳли дастлаб беш йилликнинг якунловчи йилида 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилган эди.

— Яқинда матбуотда бир группа 50—60 центнерчи пахтакорларнинг ташаббуслари эълон қилинди, — дейди бригада бошлиғи Ҳ. Бадалов. — Бригадамиз аъзолари ҳам бу ватанпарварлик ташаббусига қўшилишга қатъий қарор қилиб, ҳосилдорликни камида 45 центнерга етказиш юзасидан ошириладиган социалистик мажбуриятни олдилар.

Бригада аъзолари ҳамма майдондаги ниҳолларни биринчи ишловдан чиқариб, сифатли озиқлантирдилар.

С. АҲМЕДОВ.

ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

БУ ИЙЛ кенг жамоатчилик Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта театрининг 50 йиллик юбилейини кенг нишонлайди.

ҲОЗИР театр катта тайёргарлик ишлари олиб бораяпти. Юбилей арафасида биринчи ўзбек операси «Бўрон» қайта намойиш қилинди. «Муҳаббат ва Шамшир», «Дон Кихот» балетлари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Ижодий коллектив юбилей кунларига «Лайли ва Мажнун» операсини саҳнага олиб чиқиш учун изланяпти.

Санъат усталари бир қатор саҳна асарларини тайёрламоқдалар. Ҳа демай, композитор А. Холминовнинг «Ҳаётбахш ўлим» операси ўзбек саҳнаси юзини кўради. Юбилейга қатор қизиқарли концерт программаси ҳам тайёрланмоқда. Бу концертда қардош халқлар қўшиқлари, Ленин, Ватан, партия ҳақидаги асарлар янграйди.

Оржоникидзе районидаги Тошкент паррандачилик фабрикаси коллективи тухум етиштириш ва давлатга топшириш кўпайтириб бораяпти. Паррандабоқарлар эл дастурхонига сифатли тухум тортиқ қилишишга алоҳида эътибор берадилар. Шу ишда фабрика лабораторияси ходимларининг хизмати катта. Суратларда лаборант З. Саримсоқова иш устида; тайёр маҳсулот цехининг сараловчиси М. Ҳамидова савдо тармоқларига жўнатиш учун тухум тайёрлаяпти.

А. Тўраев фотолари.

ДУРКУН ҒЎЗАЛАР

БРИГАДАНИНГ 20 гектарлик пахта майдони бугун колхозчилар билан жуда гавжум. Ҳамманинг қўлида қатқалоқни юмшатадиган махсус мослама. Тўлиқ ишчи органлари осилган қўш трактор бир четдан эгатларни юмшатиб боряпти. Колхозчилар эса бир текис униб чиқиб, дуркун ривожланаётган ғўзалар атрофини авайлаб қатқалоқдан бўшатмоқдалар.

Қатқалоқни юмшатиш учун чиққан аъзоларнинг аксарияти ёшлар. Шулардан бири Турсуной Ашурова дала билан шийпон орасида тўхтовсиз қатнаб, пахтакорларни чой билан таъминлаб турибди.

Ҳар бир колхозчи ишни сифатли ва тез бажаришга ҳаракат қилаётир. Чунки бугун колхоз правлениесидан вакил келган. Бош экономист Э. Ашуров бригада бошлиғи билан ҳисобчини ёнига олиб, гоҳ культиваторлар орқасидан юради, гоҳ колхозчиларнинг ишларини синчковлик билан текширади. Ниҳоят у бригадирга юзланиб мамнун ижмайди:

— Дуруст, ишнинг сифати биз кутганимиздан ҳам аъло.

— Бўлмасамчи, — деди бригадир ҳам хурсанд бўлиб, — биз қатқалоқнинг нима эканлигини яхши биламиз. Ғўзаларнинг мурғаклик пайтидаёқ қатқалоқ исканжасидан қутқариб олинмаса, кўп нарса йўқотишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам бу муҳим ишни тезроқ эплаб олиш мақсадида бриганинг 33 аъзосини ёппасига далага сафарбар этдик. Кўриб турибсиз, сурват ҳам, сифат ҳам чакки эмас. Икки-уч кун ичида ҳамма майдонларни қўлдан чиқарамиз, адбатта.

Ҳақиқатан ҳам Ш. Очилов бошлиқ бригада аъзолари ғўзага биринчи ишлов бериш ва қатқалоқни тезда бартараф этишда ғоят уюшқоқлик намуналарини кўрсатдилар. Айниқса, Ж. Ҳолиқова, Ж. Ҳайитова, С. Ашурова сингари тажрибали пахтакорлар кунлик нормаларини 1,2—2 ҳиссага етказиб бажаришди. Б. Ҳамроев, Н. Мансуров каби механизаторлар ғўза қатор ораларини юмшатишда ғайрат кўрсатишди.

Дастлабки ишлов яхши ўтказилганлиги сабабли барча картадаги ғўза ниҳоллари барқ уриб ривожланмоқда. Айни кунларда бригада аҳли ягана ишларини ҳам қизитиб юборган. Бундан ташқари А. Шодмонов, Б. Чўлиев, Б. Бойматов сингари миришкор сувчилар ҳам ғўзаларга дастлабки об-ҳаёт сувини тарашга шайланиб туришибди. Бунинг учун зарур бўлган ҳамма воситалар карта бошларига, ўқариқларга келтириб қўйилган. Ниҳоллар сувталаб бўлиши билан эгатларда жилдираб сув оқа бошлайди.

— Йил бошида бригадамиз аъзоларя ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш мажбуриятини олган эдилар, — дейди бригадир. — Бироқ КПСС Марказий Комитетининг 1 Май чақириқлари, барча совет кишилари қатори бизнинг кичик коллективимизни ҳам янада юксак марралар сари руҳлантириб юборди. Ички резерв имкониятларни қайта кўриб чиқиб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш юзасидан янги, ошириллган социалистик мажбурият қабул қилдик. Эндиликда бригадамиз аъзоларининг бутун куч-ғайрати ана шу марранни сўзсиз эгаллаб, КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга қаратилган.

Х. ШОЗАДАҚУЛОВ,
Бўка районидаги К. Маркс номли колхоз.

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ

130 ТОННА ПИЛЛА УЧУН

ОҚҚУРҒОН райони пиллакорлари областимиз бир группа илғор пиллакорларининг ватанпарварлик ташаббусини катта қизиқиш билан кутиб олиб, атрофлича ўрганиб чиқдилар ва ўз хўжаликларида ҳам пилла етиштиришни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб олдилар. Учинчи беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга 130 тонна «кумуш тола» етказиб беришга қатъий аҳд қилишди.

Район партия комитети, район ижроия комитети, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети ва район комсомол комитети пиллакорлар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш ва илғорларни рағбатлантириш шартларини ишлаб чиқдилар. Охунбобоев номли колхознинг ёш пиллакори Рохатой Абдуҳошимова беш йилликнинг якунловчи йилида 5 қути қурт уруғидан 120 килограммдан кумуш тола олишга қатъий сўз берди.

«Партия XXII съезди» колхози пиллакорлари Каромат Турсунқулова ва Ҳанифа Фармоновалар бир неча йилдан бери ўзаро мусобақалашиб келишмоқда. Уларнинг ҳар бири 500 килограммдан сара пилла топширишга аҳд қилишди.

— Колхозимиз аъзолари бу йил она-Ватанга 25 минг килограмм кумуш тола етказиб беришга аҳд қилишган, — дейди пиллачилик бригадаси бошлиғи Болтабой Маутов. — Сўзимизнинг устидан чиқиш учун ҳар қути қурт уруғи ҳисобига 80 килограммдан «кумуш тола» етказишимиз керак. Бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз.

«Ленинизм» колхозида ҳам пилла қуртини парваришлаш ишлари намунали олиб борилмоқда. Колхоз пиллакорлари давлатга 10250 килограмм «кумуш тола» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Хўжаликнинг илғор пиллакорлари Барно Йўлдошева ва Каромат Исмонловалар 350—400 килограммдан юқори навли пилла етиштиришга сўз беришган.

П. ЭРГАШЕВ,
М. БОБОЕВА.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

АФҒОНИСТОН ДУШМАНЛАРИНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

КОБУЛ, 5 май. (ТАСС). Афғонистон ички ишлар министрлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотига кўра, аксилинқилобчи қучлар яқинда ёшлар ўртасида игвогарлик ҳаракатлари ёрдами билан Кобулда тартибсизлик келтириб чиқаришга урининдилар. Шу муносабат билан Афғонистон ички ишлар министрлиги эълон қилган баёнотда бундай дейилади: «Кейинги кунларда студентлар ва мактаб ўқувчиларининг бир қисми Кобулда тартибни бузишга урининдилар ва Афғонистоннинг манфаатларига қарши чиқдилар. Афғонистон Халқ демократик партияси ва хавфсизлик органлари бир неча марта уларга мурожаат қилиб, тартиб ва интизомга риоя этишга чақирди. Шу ҳаракатнинг базаси актив иштирокчилари қамоққа олинди. Тергов натижасида уларга ватан хоинлари, Марказий Разведка бошқармасининг агентлари, Хитой шовинистлари малайлари ёрдам берганлиги, улар ўзларининг ифлос мақсадларига эришиш учун ёшлардан фойдаланишга уринганликлари маълум бўлди».

АДР ички ишлар министрлиги ўқувчиларга мурожаат қилиб, душман пропагандасига берилмасликка ва халқ душманларига эргашмасликка даъват этди.

Шаҳар аҳолиси, деб таъкидланади баёнотда, афғон халқининг душманларини аниқлаш ва фош этишда хавфсизлик кучларига ёрдам беришлари керак.

КУБАДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

Жаҳондаги тараққийпарвар жамоатчилик Қўшма Штатлар Кубага қарши авж олдираётган кампанияни қатъиян қораламоқда.

ОТТАВА. Канада коммунистик партиясининг бош секретари У. Каштан бундай деди: Вашингтон социалистик Кубадаги аҳволни бутун кучи билан издан чиқаришга, бу мамлакатда ўзига маъқул режимни вужудга келтиришга интилмоқда. Қўшма штатлар Гуантанамодаги ҳарбий базадан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши лозим. АҚШ Гуантанамони Куба халқининг хоҳиш-иродасига зид тарзда, қонунга ҳилоф равишда оккупация қилиб турибди. Қўшма штатлар Кариб денгизидаги игвогарлик ҳаракатларини ҳам тўхтатиши керак, деб таъкидлади у.

Канада коммунистларининг раҳбари Канада халқини Вашингтоннинг хатарли снёсатига қарши қатъий кураш олиб боришга, Куба халқи билан бирдамликни мустаҳкамлашга даъват этди.

МАНАГУА. Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигининг аъзоси ва миллий Уйғониш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзоси Даниэль Ортега Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси халқларини Америка ҳарбийларининг хатарли снёсатига қарши, ана шу регионни тинчлик зонасига айлантириш учун олиб бораётган курашни кучайтиришга чақирди. У айтдики, жаҳон жамоатчилигининг ворозилик тазйиқи остида АҚШ Куба соҳилларида ўтказаётган ҳарбий машқларини бекор қилишга мажбур бўлди. Бироқ, деб таъкидлади Д. Ортега, бу райондаги тинчлик ва хавфсизликка таҳдид ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

КАРАКАС. Халқнинг сайлов ҳаракати партияси бош секретари Хесус Анхель Пас Галаррага бундай деди: Вашингтон ўтказаётган ҳозирги Кубага қарши кампания империализмнинг мустақил йўлдан бораётган ва ўзига маъқул бўлмаган давлатларни чўчитишга ва уларга қарши дўқ-пўписа қилишга қаратилган стратегиясининг таркибий қисмидир. У айтдики, АҚШ ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан Лотин Америкасида тараққийпарвар демократик кучларнинг мустаҳкамланишига йўл қўймасликка интилмоқда.

ТРИПОЛИ. Қўшма штатлар, деб таъкидлайди Ливиянинг Жана Информация агентлиги, Куба халқига қарши янги агрессия тайёрланмоқда. Аммо АҚШнинг агрессив снёсати албатта барбод бўлади. Куба халқи, таъкидлайди агентлик, Америка агрессорларига илғари зарба берганидек, муносиб зарба беради.

НИКОЗИЯ. Кипр пойтахтида Куба халқи билан бирдамликка бағишланган оммавий намойиш бўлиб ўтди. Минг-минглаб киприклар «Кубадан қўлингни торт!», «Америка империализмининг авантюристик снёсати йўқолсин!», «Яшасин социалистик Куба!» деган шиорларни қайта-қайта такрорлаб шаҳар кўчаларидан ўтдилар.

(ТАСС, 3 май).

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

БАЙРУТ, (ТАСС). Ливан пойтахти ва унинг жанубидаги шаҳар атрофларида аҳвол гоятда кескинлашди. Номаълум кишилар Байрутнинг ғарбий секторида таниқли диний арбоб, шиа уламолари уюшмасининг раиси Имом Ҳасан аш-Шерозийни ўлдирганликлари кескинликнинг янада авж олиб кетишига сабаб бўлди. Бу терроричилик ишини мамлакатнинг бош министри С. Хосс, Ливаннинг бошқа снёсий ва диний арбоблари қатъий қораладилар. Келиб чиқиши эҳтимоли бўлган тартибсизлик ва қуролли тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида пойтахтнинг бир қанча районларида Ливанда тинчликни сақловчи Араб давлатлараро кучлар бўлинмаларининг қўшимча постлари қўйилди. Мамлакатнинг жанубидан олинган хабарларга кўра, у ерда ҳам аҳвол кескин бўлиб турибди. Тель-авив рағбатлантираётган жанубий Ливан сепаратчиларининг бошлиғи Ҳаддад БМТ муваққат кучларига ҳамда уни қўллаб-қувватлашдан бош тортган тинч аҳолига ҳамон дўқ-пўписа қилиб турибди.

Ливаннинг тоғлиқ районларида, аҳоли пункти Алейдан сал нарида консерватив «Ливан фронти»га кирувчи партияларнинг қуролли отрядлари ўртасида тўқнашувлар юз берди. Ўзаро тўқнашувлар натижасида 5 киши ўлди ва 10 дан ортиқ киши жароҳатланди.

ХИТОЙ — ПОКИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

ПЕКИН, 5 май. (ТАСС). Бу ерга расмий визит билан келган Покистон президенти Зиёул Ҳақ кеча ХХР Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Дэн Сяошин билан музокараларнинг иккинчи даврасини ўтказди. Зиёул Ҳақ шу куни ХКП Марказий Комитетининг раиси, ХХР Давлат кенгашининг бош министри Хуа Гофэн билан учрашди. Учрашувда Хитой халқ озодлик армияси бош штаби бошлиғининг ўринбосари У. Сюцюэнь қатнашди.

«Жэньминь жибао» газетаси Хитой — Покистон музокаралари тўғрисидаги хабарни биринчи саҳифасда босиб чиқарди, шунингдек, АДРдаги вазиятни қўпол равишда бузиб кўрсатувчи ҳамда Афғонистон ва Советларга қарши қаратилган турли материалларни эълон қилди.

ҲАЁТБАХШ ҚЎЛЛАР

Суратда: профессор О. Мухторов (ўнгда) ҳамшира Ф. Дочкина билан. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ОЧЕРК

Профессор ўз хонасида бўлажак операцияга тайёргарлик кўрарди. У столи устидаги рентген суратлари, анализ натижаларини яна бир карра диққат билан кўздан кечирди. Бемор уч ҳафтадан бери клиникада операцияга тайёрланар, унинг касали муфассал ўрганиб чиқилганди.

Буйрак жоми билан пешоб найи туташган жойга тош тўпланиб қолган. Дард зўриқиб энди, уни дори-дармон билан муолажа қилиш имкони йўқ эди. Бирдан-бир йўл-пластик операция ўтказиш, яъни пешоб найининг ишдан чиққан қисмини кесиб ташлаб, соғлом жойини яна буйрак жомига улаб қўйиш даркор.

Шифокорнинг дард билан олишувида учта асосий қуроли бор. Унинг беморга ширин сўзи ҳамиша малҳамдек зарур бўлса, яна икки қуроли— дори-дармон ва тиғни ишлатишга келганда жуда пухта ўйлаб иш тутиш лозим ва зарурдир. Хирург учун халқимизнинг «Етти ўлчаб, бир кес» деган доно нақли камлик қилади. У операция столи ёнида қўлига тиғ олишдан аввал юз, минг марта ўйлаб кўриши, бутун билими ва тажрибасини ақл тарозисига қўйиб, сўнг қарорга келиши керак. Зеро, тарозининг бир палласига билим ва маҳорат, иккинчи палласига бебаҳо бойлик — инсон саломатлиги қўйилгандир.

Хирургнинг бу беқиёс масъулиятини Одил Мухторов илк бор мустақил равишда операция ўтказганида тўлалигича ҳис этган эди. Уша вақтда — Тошкент Давлат медицина институти даволаш факультетини яқиндагина тугаллаган врач институт хирургия клиникаси урология бўлимида бемор ковуғидан данакдек катталикдаги тошни олиб ташлаганди. Устози профессор Дмитрий Алексеевич Введенский шогирдининг биринчи операциясидан жуда мамнун бўлди.

Одил институтда ўқиб юрган пайтларида илмга ташналиги, тиришқоқлиги билан устозлар диққатини жалб этди. Йигит факультетда ташкил этилган хирургия тўгарагининг фаол аъзоларидан бири эди, унинг студентларнинг илмий конференцияларида «Қўричақнинг оғир формалари», «Пешоб-тош касаллиги» мавзуларида қилган докладлари юқори баҳо олди. Шу боисдан профессор Михаил Сергеевич Астров уни институтни тугаллаганидан сўнг шогирдликка олиб қолди. Институт хирургия клиникасининг урология бўлимида икки йил ординаторлик қилиб, билимини янада пухталаган, мураккаб операциялар ўтказишни яна ўрганиб олган Одил Мухторов мустақил амалий ишда ўзини синаб кўришга аҳд қилди. У 1951—1953 йилларда Андижон областининг Марҳамат, Жалолқудуқ районларида уролог, бош врач вазифаларида ишлади....

— Профессор, бемор операцияга тайёрланди.

Фаина Лазаревна Дочкинанинг хонага кирганини ҳам сезмай қолган жаррох ординаторнинг бу гапини эшитиши билан тезда ўрнидан туриб, операция хонасига йўл олди.

Стол устидаги бемор профессорга яхши таниш эди. Одил Мухторович унинг палатасида бўлганида, бемор ўзини бардам тутишга, тобора зўрикаётган дардидан чекаётган азиятини сездирмасликка ҳаракат қиларди. Ҳозир эса операция столи тепасидаги электр чироқларининг кучли ёғдусида унинг жуда толиқканлиги юзидан яққол кўриниб турарди. Кўзларидан фақат илтижони ўқиш мумкин эди.

Ҳар йили юздан ортиқ операция ўтказадиган профессор кучли иродаси, оғир дардлар ҳуружига сабот билан бардош бераётганларни ҳам, енгилгина операциягa юраклари «тақа-пуқа» бўладиганларни ҳам кўп учратган. Бироқ, тақдирлари турли хил бу беморларнинг ҳаммаси ҳам шифокорга нажот билан қарайдилар. Уларнинг ишончини оқлаш, дард билан «жанг»да албатта ғалаба қозонишни профессор ўз бурчи деб билади. Бунинг учун у бутун ҳаёти давомида билимини пухталаб, тажрибасини ошириб келяпти.

У район касалхоналарида врачлик қилган йиллари дарди оғир беморларни кўрганда билимини янада чуқурлаштириш заруратини айниқса қаттиқ ҳис эта бошлади. Шунинг учун 1953 йилда Тошкент медицина институтининг анатомия кафедрасига аспирант бўлиб келди. Кафедрада илмий иш олиб борди; 1964 йилда кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Ёш олим учун Москвадаги 2-медицина институтининг урология клиникасида тажриба орттириш айниқса фойдали бўлди. Бу ерда у СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир-аъзолари, профессорлардан А. Я. Плетнев, ва Н. А. Лопатинлар раҳбарлигида урология соҳасида илмий изланишларини давом эттирди. Тўрт йил давомида олиб борилган тадқиқотлар ва амалий тажрибалар натижасида салмоқли асар яратди ва медицина фанлари доктори илмий унвони учун муваффақиятли диссертация ёқлади.

Операция бир ярим соатдан бўён давом этмоқда. Бемор атрофидаги ассистентлар профессорнинг лўпда топшириқларини бажаришар. Одил Мухторовичнинг чаққон қўллари эса буйрак жомига пешоб нейини қайтадан бириктирарди. У бу ерда ўрнатилган мураккаб асбоблар орқали беморнинг умумий аҳволини ҳам назорат қилиб борарди.

Операция давомида бемор анча толиқди, қон йўқотди.

— Қон қуйишни, бошланглар, — топшириқ берди профессор. Беморга ўзининг қони қуйила бошланди.

Тиббиётдаги бу усул — аутгемотрансфузия, яъни беморгaн олинган қонни унинг ўзига қайта қуйиш кўпдан маълум. Жумладан, 1934 йилдаёқ таниқли хирург С. Д. Дошоян донор қони етишмаслиги туфайли шу усулдан фойдаланишга мажбур бўлган. Кейинчалик мамлакатимизда қон қуйиш хизмати ривожланиб кетганидан сўнг аутгемотрансфузия унутила бошланди.

ОЧЕРК

Олтмишинчи йиллар бошига келиб бу усулга қизиқиш янада ортди. Бунга тиббиёт фани олимлари томонидан қон таркибида унинг номутаносиблигини туғдирувчи, олдин номаълум бўлган кичик гуруппаларнинг аниқланиши сабаб бўлди. Донор қони ўзгага қуйилганда реакция пайдо бўлиши, беморнинг боши оғриб, ҳарорат кўтарилиши, уни титроқ тутиши ҳоллари рўй бера бошлайди. Бу эса операция самарасига таъсир кўрсатади.

Шунинг учун хирурглар беморгaн олинган қонни унинг ўзига қайта қуйишдан кенг фойдалана бошладилар. Бу усул урологияда ҳам қўлланиларди. Чунки, урология хасталигига чалинганларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи катта ёшдагилар ҳисобланади. Улардан донор сифатида фойдаланиш мумкин эмас, бу ёшдагиларнинг организмига қон танқислиги жиддий таъсир этади, деган фикр урологлар ўртасида кучли эди.

Тошкентдаги 1-шаҳар клиник шифохонасининг урология бўлими ходими Асилбек Ғайбуллаев Одил Мухторович раҳбарлигида кекса беморлар қонининг таркибини, операциядан сўнг қайта қуйиш керак бўладиган қоннинг мувофиқ миқдорини аниқлаш бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борди. Узоқ изланишлар урология касалига чалинган катта ёшдаги беморлардан операциядан сўнг керак бўладиган 200—250 миллилитр миқдордаги қон олиш мутлақо зарарсиз эканлигини кўрсатди. Катта тайёргарликдан сўнг клиниканинг ўзида операцияда аутгемотрансфузия усулидан қўлланилди. Натижа кутилгандек бўлди. Беморга операциядан бир неча кун олдин олинган қон ўзига қайта қуйилгач, бирор реакция юз бермади. Бу усул беморни ҳам, хирургни ҳам ортиқча ташвиш ва таҳликадан ҳалос қилди. Клиникада аутгемотрансфузия қўлланила бошлангандан кейин ўтказилган минглаб операциялар бу усулнинг нишонли ва истиқболли эканлигини тўла исботлади.

Профессорнинг урология соҳасида яратаётган бундай янгиликлари кўп. Простатит хасталигини нина билан даволаш, беморни тез даволаб, қисқа муддатда соғайиши имконини берувчи троакар цистостомия асбобидан қўлланиш ва бошқа жуда кўплаб тадқиқотлар шулар жумласидандир. Кези келганда Одил Мухторович тўрт монография, 120 дан ортиқ илмий мақола муаллифи эканлигини айтиш керак. Ҳозир унинг яна икки асери чоп этишга тайёрланяпти.

Шогирдсиз устоз — меваси з дарахтдир. Профессор Одил Мухторович Мухторов Тошкент врачлар малакасини ошириш институти урология кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош урологи сифатида малакали шифокорлар тайёрлашга катта ҳисса қўшяпти. У шогирдлари — медицина фанлари кандидати А. Мамишев, Х. Жўраев ва кўплаб бошқа урологлар олиб бораётган илмий ишларга раҳбарлик қилмоқда.

— Клиникамизда урологияда ғоят мураккаб ҳисобланган пластик операция сингари муолажаларни муваффақиятли ўтказаётган хирургларнинг кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир, — дейди Одил Мухторович. Доцент Д. М. Рубанов, медицина фанлари кандидати И. С. Болгурский, ассистентлар М. Рўзматов, С. Умировлар оғир хасталикка учраган беморларни операция қилиб, дарддан форғ этишяпти.

Профессор ташаббуси билан Наманган, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон ва республикамизнинг бошқа турли шаҳарларидаги клиникаларда урология бўлимлари ташкил этилди. Одил Мухторович ва унинг истеъдодли шогирдлари бу ерлардаги хирургларга мураккаб операциялар ўтказишда катта амалий ёрдам кўрсатиб туришибди...

Профессор ҳозиргина операция қилган бемор аҳволидан хабар олиш учун палатага йўл олди. Оқ халат кийган, икки соатли операция давомида анча толиққан бўлсада, чехрасидан илиқлик, киши меҳрини товлантирадиган самимият уфуриб турган Одил Мухторович кўрган клиника врач ва ҳамширалари, беморлар унга ҳурмат билан йўл беришарди. Каравотда чалқанча етган бемор ҳам кўзи профессорга тушиши билан юзига табассум қалқиди. У ҳали гапиришга ожизлик қилса-да, жаррох беморнинг севинч ёшларига тўла кўзидан, меҳрли боқишидан дилидаги фикрларни ўқди. Профессор унга тез соғайишини тилаб, палатадан чиқди.

Хонасига кўтариб бир даста хатлар, телеграммалар келтиришибди. Конвертлардаги адресларда фақат республикамизнинггина эмас, Иттифоқимизнинг ҳам турли шаҳар ва қишлоқлари номларини ўқиш мумкин эди. Уларда Одил Мухторович Мухторовга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби юксак унвони берилганлиги билан қизғин қутловлар изҳор этилган.

Шундай пайтларда у касбидан чексиз фахрланиб кетади. Бемор дардига малҳам бўлиш, қўлидан келса унга қайтадан ҳаёт бахш этишдан олийжаноб иш борми инсон учун?!

Зариф МУҲАММАДЖОНОВ.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ШАХМАТ. Аёллар ўртасида республика чемпионати ниҳоясига етди. Самарқандлик ёш спортчи Мавжуда Ҳамроқулова 13 имкониятдан 12 очко тўплаб, биринчи марта чемпион бўлди. Тошкентлик икки спортчи Л. Пинчук ва И. Жумаевалар бир хилда — 10 тадан очко тўпладилар. Мусобақа низомига кўра кумуш медаль кўп ғалаба қозонган Л. Пинчукка берилди. Ўтган йилги республика чемпиони чирчиқлик Ф. Ҳасанова 9,5 очко тўплаб тўртинчи ўрни билан кифояланди.

Эркаклар бахсида ҳамон фарғоналик И. Иванов пешқадамлик қилаётир. Мусобақалар тугашига икки тур қолганда унинг ҳисобида 10 очко бор. (Бир партия кечиктирилган) тошкентлик М. Рудерфер 15 имкониятдан 10 очко тўплаб, совринли ўринга даъвогар бўлиб турибди.

ФУТБОЛ. Олий лига командаларининг ўтган шанба куни бўлиб ўтган ўйинлари қўйидагича тугади: «Арарат» — Шахтёр» 2 : 1; ЦСКА—«Кубань» 0 : 0; «Спартак» — «Торпедо»—1:0; «Қайрат» — «Динамо» (К)—2:2; «Черноморец» — «Динамо» (Тб) — 1:0; «Карпати» — «Динамо» (Мн) — 1:0.

Олти турдан сўнг командаларнинг турнир жадвалидаги ўрни қуйидагича:

Командалар	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Динамо (К)	3	2	1	11-6	8
«Спартак»	3	2	1	7-2	8
«Зенит»	3	2	1	8-6	8
«Динамо» (М)	3	1	2	6-5	7
«Динамо» (Мн)	2	3	1	8-4	7
«Динамо» (Тб)	2	3	1	7-4	7
«Локомотив»	2	3	1	8-6	7
«Арарат»	2	3	1	7-6	7
«Пахтакор»	2	2	2	8-6	6
«Шахтёр»	2	2	2	9-8	6
СКА	1	4	1	5-6	6
«Торпедо»	2	1	3	3-5	5
ЦСКА	2	1	3	5-10	5
«Қайрат»	1	3	2	7-9	5
«Черноморец»	1	3	2	2-4	5
«Карпати»	1	2	3	3-9	4
«Кубань»	0	4	2	3-5	4
«Нефтчи»	0	3	3	3-9	3

«Пахтакор» навбатдаги тур ўйинларини 10 май куни Москвада темирйўлчиларга қарши ўтказади.

ШАШКА. Бугун Самарқандда Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон спортчиларининг рус шашкаси бўйича чемпионати старт олади. Республикамиз терма командаси шарафини тошкентлик спорт мастерлари Ш. Ёқубов, И. Фридман, самарқандлик М. Фозилов, Э. Шимуновлар ҳимоя қилишади. Икки голиб мамлакат чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7, 8 МАЙ СОАТ 19.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Солистлар: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Исмонжон ТУРДИАЛИЕВ, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ўлмасхон НУРМАТОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Нуриддин СОБИРОВ, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанри).

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.

Программани — Мамасоли ҲОЛМАТОВ ва Мирзаҳошим КЕНЖАЕВ олиб бораднлар.

Музика раҳбари — Озим ЖАББОРОВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

2-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ

149-шаҳар ҳунар-техника билим юрти

1980—81 ўқув йили учун

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: мўйнадўз-бичиқчи, тикувчи-моториста, бичиқчи (чарм пойафзаллар ишлаб чиқариш бўйича), техника контроли бўлими контролёри, пойафзал бошлиғини тайёрловчи, тикув машиналарининг ремонти бўйича слесарь, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, якка пойафзаллар тикиш бўйича пойафзалчи.

Ўқиш муддати ўрта маълумотлар учун бир йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун эса 2 йил.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса давлат таъминотида бўладилар (кунига 3 маҳал овқат, кийим-бош).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процанти тўланади.

Билим юрти қошида вокаль-чолғу, бичиш ва тикиш, тўқиш, кино-фото тўгараклари ишлайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй (16-троллейбус, 84-автобуснинг «Домробод» массиви бекати), метронинг «Собир Раҳимов» станцияси, Телефон 76-77-45).

Колхозчилар, совхоз ишчилари ва гражданлар

ДИҚҚАТИГА

область матлубот кооперациясининг

ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ

мева-сабзавотчилик маҳсулотлари, полиз экинлари ва чорвачилик хом ашёларини қабул қилиш бўйича

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИЛАР.

Маҳсулотларни топширувчи шахсларга юмшоқ ва яшчик таралар берилади ва зарурат туғилганда шартномада келишилган сумманинг 25 процентигача бўлган қисми олдиндан аванс тариқасида тўланади.

Районлардаги тайёрлов конторалари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёларини топшириш учун шартнома тузинг!

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Тошкент область матлубот союзининг тайёрлов бошқармаси.

БУРГУТ

Бургутлар Чоткол тоғ-ўрмон қўриқхонаси ва Бўстонлик районининг тоғларида тез-тез учраб туради. Шу ерда ошиён қуради. Бу қуш кўркмас, жасур ва эпчиллиги билан кўпчилик эътиборини ўзига жалб қилган.

Қанотининг узунлиги 59—74 сантиметр, ёзилганида эса 2 метргача боради. Думининг узунлиги эса 33—70 сантиметр. Модасининг оғирлиги 2,8—4,1 килограммга, нариники эса 3,8—6,3 килограммга етади.

Бургутлар ер куррамизда жуда кенг тарқалган. Уларни Европада ҳам, Осиёда ҳам, Шимолий Америкада ҳам учратиш мумкин. Ўзбекистон тоғ ва чўлларида бургутларнинг олти хили яшайди. Улар ёзда ҳам, қишда ҳам ўз ошиёнини тарк этмайди. Еш қушлар ўз жуфтларини топгунга қадар кўчманчи ҳаёт кечиради.

Саҳро бургутлари катта саксовул дарахтларига ин қуради. Тоғ бургутлари учун макон чўққилардир.

Бургут вафодор қуш. Улар доим жуфт бўлиб ҳаёт кечирадилар. Шу жуфтдан биронтаси ҳалок бўлган тақдирдагина у ўзи учун бошқа ҳамрох қидириши мумкин.

Областимизда бургутлар март ойининг охирларида ин қуради. Улар шу вақтда никоҳ ўйинини бошлаб юборадилар. Яъни бир-бирларини қувалаб осмонда турли шакллар ясашади. Ғалати овоз чиқариб қичқирадилар, баъзан уларнинг товуши итларнинг овозига ҳам ўхшаб кетади.

Ҳар бир жуфтлик икки-учтадан ин қуради. Инлар бир бирига бир мунча яқин жойлашган бўлиб, бургутлар уларнинг фақат биттасидан фойдаланадилар, холос. Шу туфайли жуда кўп вақт бўш инларда ёввойи кабутарлар яшайди. Жасур қушлар буни сезишса-да, кабутарларга тегишмайди.

«ҚИЗИЛ КИТОБ» САҲИФАЛАРИДА

Мода қушлар 2—3 тадан тухум қўяди. Тухуми узунлиги бўйича 70—80 миллиметр, энига эса 56—64 миллиметр келади. Сирти доғлар билан қопланган хира оқ рангдадир. Тухумларни мода қушлар босишади. Баъзан бу вазифани нарлари ҳам бажариши мумкин. 45 кун деганда тухумларни полопонлар очиб чиқади. Она қуш болаларини ўз жуфти келтирган гўшт қиймалари билан боқади.

Полапонлар икки ойлик бўлганида овга ўргана бошлайди. 15 кун давомида ҳар куни ўз ошиёнларига келиб туришади. Кейинчалик эса, ўз уяларини бутунлай тарк этишади. Шунда ҳам у катталар назоратида бўлишади. Еш қушлар июль ойининг иккинчи ярмидан бошлаб ўзларига мустақил уялар қуришга киришишади.

Бургутларнинг асосий емиши чия бўри, қуён, бўрсиқ, юмронқозиқ ҳисобланади. Улар тез-тез каклик, қарға ва шунга ўхшаш қушларни ҳам овлаб туришади. Баъзи ҳолларда эса тошбақа ва илонларга, шунингдек, Сибирь тоғ эчкилари, жайрон ва тоғ қўйларига ҳам чоғут солишадилар.

Ўрта Осиёда қадимданок бургутлардан ов қуши сифатида фойдаланганлар. Қозоғистонда ҳозир ҳам шундай ўргатилган бургутлар учраб туради. Катта бургутлар баъзан бўри, жайрон ва оҳуларни кўтариб учишлари мумкин. Бундай ов қилишнинг ўзига хос томонлари бор.

Кейинги йилларда бургутларнинг сони камайиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам уларни овлаш таъқиқланган. Бу қушлар СССР «Қизил китоби»га киритилган.

Шунингдек, бургут болаларини инидан олиш ва уни қўлга ўргатиш ҳам қатъиян манъ этилган. Фақат, истисно тариқасида, Қозоғистондаги айрим шахсларгагина ёш бургутларни ўргатишга рухсат берилган.

О. БОГДАНОВ, табиатни муҳофаза қилиш жамияти Тошкент область Советининг аъзоси.

ОЛИМПИАДА ТАРИХИДАН

факт ва рақамлар

АНТВЕРПЕН, 1920 ЙИЛ

Навбатдаги VI Олимпиада ўйинлари 1916 йил Берлин шаҳрида ўтказилиши керак эди. Лекин, Биринчи жаҳон урушининг бошланиши бу мусобақаларнинг ўтказилишига имкон бермади. Шундай қилиб, кейинги кабиса йилида, яъни 1920 йили Бельгиянинг Антверпен шаҳрида VII Олимпиада ўйинларини ўтказишга қарор қилинди. Спорт ўйинларининг машъаласи 14 август куни ёндирилди.

Бу Олимпиада ўйинлари ёш Советлар мамлакати бирпо этилгандан кейинги биринчи катта спорт анжуманидан эди. Лекин, СССР спортчилари унда иштирок этишмаган.

Антверпен Олимпиадасида 29 мамлакатдан 2606 спортчи қатнашган. Бу сафар ҳам, аввалгиларидек, майдон эгалари кўпчиликни ташкил этганлар. Бельгия терма командаси 332 спортчидан иборат эди.

Иштирокчилар спортнинг 21 тури бўйича ўзаро мусобақалашганлар. Шунингдек, спортнинг қишки турлари — фигурали учиш ва хоккей Олимпиада программасига киритилди.

Финляндиялик енгил атлетикачилар мусобақаларда ўзларини кўрсатишди. Улар бу соҳада энг кўп медални қўлга киритдилар.

Олимпиаданинг футбол турнири кутилмаган воқеа билан тугади. Дастлаб унда 14 мамлакатнинг терма командаси иштирок этди. Финалда олтин медални олиш учун Бельгия ва Чехословакия терма командалари майдонга тушдилар. Биринчи таймда майдон эгалари 2:0 ҳисоби билан олдинда боришар эди. Ўйиннинг иккинчи ярмида чех футболчиси Штайнер беихтиёр рақиб ҳужумчиси Коппенинг оёғига тепиб йиқитади. Ўйин судьяси Штайнерни майдондан чиқариб юборди. Бундан норози бўлган Чехословакиянинг барча футболчилари майдонни тарк этишди. Шундай қилиб, Бельгия футболчилари Олимпиада чемпиони деб топилди.

Норасмий команда ҳисобида АҚШ ва Швеция командалари энг кўп очко тўплаб, дастлабки икки ўринни эгаллашган.

КЕНЖАТОЙЛАР МАСКАНИ ГЎЗАЛЛАШМОҚДА

Ҳар бир группа учун ажратилган майдончаларда гулу-гунчалар — жажжилар давра қуриб шодон ўйнашмоқда, бири қўшиқ айтса, бири митти қўллари билан қарсак чалади, бири қувнаб рақсга тушади. Меҳрибон мураббийлари улар атрофида гирди-каналак.

Келажагимиз юлдузларининг яхши тарбияланишлари, ўйнаб-кулиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган бу болалар-боғчаси Ўрта Чирчиқ районининг «Ленин йўли» колхозига жойлашган.

— Боғчамизда кичкинтойларнинг соғлом ўсишлари борасида алоҳида ғамхўрлик қилинади, — дейди боғча мудираси Р. Носирова,— бизга бунда район партия, совет ташкилотлари, район халқ маорифи бўлими катта ёрдам бераётир.

Районда бундай шинам боғчалар анчагина. Уларда икки мингдан ортиқ болалар тарбияланмоқда. Район халқ маорифи бўлими ходимлари мактабгача ёшдаги фарзандларнинг қувноқ ҳаётини мукаммал таъминлаш йўлида янги-янги тадбир-чоралар кўрмоқдалар. Болалар муассасалари учун фақат 1979 йилнинг ўзида 10 минг сўмлик маблағ харид қилинди.

Боғчалар зарур анжомлар, турли мебеллар билан таъминланди. Ҳар бир боғча қошидаги музика кабинетларида ҳар кун нуридидаларнинг қувноқ товушлари янграйди. Кенжатойлар саломатлигини ширинсўхан шифокор ва ҳамширалар назорат қилиб туришади.

Ўлкамизда сўлим баҳор сепини ёйиши билан ёш-қари далага отланди. Ҳамма ёқда меҳнат авжида. Далаларда экиш-тикиш ишлари қун сайин қизимоқда. «Эрта эксанг, эрта оласан», дейди халқимиз.

Район халқ маорифи бўлими ходимлари ва барча колхозлардаги боғча мудиралари бу мавсумга ҳам тайёргарлик кўриб қўйдилар. Районда 2100 бола учун 92 та мавсумий боғчалар ва катта типовой боғчалар ҳузурида қўшимча группалар ташкил этилди. Улар тажрибали мураббийлар билан таъминланди.

Ҳозирги кунларда дала шийпонларида ҳам шу мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Улар сифатли ремонт қилиниб, керакли анжомлар билан жиҳозланмоқда.

М. УСМОНОВА.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Электрониканинг саргузашти». Кўп серияли бадиий фильм, 2-серия. 11.10 — Концерт. 11.40 — Ҳарбий Денгиз Флоти ҳақида. 2-фильм. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.00 — Звездочёт. 16.45 — Ленин журналист ва редактор. 17.45 —Халқ оҳанглари. 18.00—Бишлар адреслари. 19.00 — Расмларда қўйш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Кинолавҳа. 19.40 — П. И. Чайковский туғилган кунинг 140 йиллигига. 20.40 — Ғалабанинг 35 йиллигига. Ҳарбий Ҳаво кучлари ҳақида. 3-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Аксадо. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Қўшиқсиз солдат, солдат эмас.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Мен ишашни истайман. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Телевизион театр. 18.15 — Сўз кетидан сўз келар. 18.40 — Миллионлар ленинча университети. 18.55 — Ғалаба байрами кунига. 19.30 — Ахборот. 19.45— Икод. саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 22.20 — Ғалабанинг 35 йиллигига. «Унутилмас қўшиқ» Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.35— Абитуриентлар учун она тили. 20.55 — Абитуриентлар учун физика. 21.55 — Олмаликлар беш йиллигининг меҳнат вахтасида. 22.25 — Ғалабанинг 35 йиллигига: «Ватан солдатлари» телевизион ҳужжатли фильм. 2-серия.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6|V да Қизил йилдаги кўк тулпорлар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Кўзга кўринмас одам» фантастик-саргузаштлари аттракцион иштирокида катта байрам томошалари (6|V да 19.30 да).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кучаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337918, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия гурмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325743; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01971. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1599. 13